



Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 13 октябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 81 (7380)



ТЕРРОРГА ҚАРШИ КУРАШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ!

XX аср сўнгига келиб халқаро харитада содир бўлган ўзгаришлар, сиёсий-мафқуравий зиддиятлар, бир-бирини тан олмаслик каби салбий ҳолатлар ўрнини XXI аср бошида мавжуд муаммоларни ўзаро келишув асосида ҳал этиш, ижтимоий ҳамкорлик, ўзаро манфаатларнинг устуворлиги тамойиллари эгалламоқда.

Бундай ҳол шу кеча-кундузда Афғонистонда бўлаётган воқеаларда яққолроқ кўзга ташланмоқда. Халқаро терроризм балоси инсоният душмани ва қушандасига айланди. Унинг кучи ва зарбаси сезиларли бўлмоқда. XX1 асрдаги энг даҳшатли муаммо ҳам шудир.

Афғонистон ва унинг теварак-атрофидаги воқеа-ҳодисалар инсоният тақдири учун бефарқ бўлмаган ҳар бир фуқарони ўйлаш ва тафаккур этишга ундайди. Менинг назаримда, олишимиз зарур бўлган сабоқлар қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, халқаро терроризм, унинг аянчли табиати нималарга "қодир" эканлиги жаҳон афкор оммаси томонидан англаб тинч, осуда ҳаёт кушанлиги, ҳеч қимқат қилмаслиги ва бирдек аён бўлди.

Munosabat

Иккинчидан, Афғонистондаги воқеалар миллатидан, динидан, мафқурасидан қатъий назар тараққийпарвар дунё мамлакатларининг халқаро терроризмга қарши курашувда бирлашишларини, инсониятни сақлаб қолишдан ҳам буюкроқ ва муҳимроқ иш йўқ эканлигини яна бир бор англади.

Учинчидан, мавжуд ҳолат кишиларни янада сергак бўлишга, сиёсий маданиятнинг юксак бўлишига ундамоқда. Дарҳақиқат бироз бўлса-да, ўз сергаклигимизни йўқотган эдик, бемалолчилик кайфиятига берилганимиз рост эди.

Тўртинчидан, халқаро террорчиларни қўллаб-қувватловчи, уларга қўмак берувчи ёвуз ва бузғунчи кучлар мавжудлиги, улар билан мурасасиз кураш олиб бормаслик оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги аён бўлди.

Ҳа, қўпорувчилик балоси ҳозирги кунда мавжуд. У дунёнинг айрим бурчакларида ўзини кўрсатмоқда. Аммо инсоният душмани бўлган халқаро терроризмга қарши курашни қўллаб-қувватлаймиз.

Абдухалил МАВРУЛОВ,
Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти проректори, профессор

ВОҚЕАЛАР СИЛСИЛАСИ

• Уч кундирки, АҚШ ҳарбийлари ҳаво зарбаларини кундузи ҳам амалга оширишмоқда.

• Оқ уйда бўлиб ўтган пресс-конференцияда АҚШ Президенти ҳарбий компания бир ёки икки йилга чўзилишини, бироқ, агар "толиб"лар бин Лоденни топширишса, ҳарбий ҳаракатлар олиб бориш масаласи қайтадан кўриб чиқилишини айтди.

• Пресс-конференцияда, шунингдек Афғонистон болаларига ёрдам бериш фонди тузилгани эълон қилинди.

• ФБР АҚШ ҳудудида яқин кунларда янги террористик ҳужумлар амалга оширилиши эҳтимоли ҳақида огоҳлантириб, америкаликларни сергак ва хушёр бўлишга чакирди.

• Толибон ва Усама бин Лоденга алоқадор 24 миллион доллар миқдоридаги маблағ "музлатиб" қўйилганини АҚШ ҳукумати эълон қилди.

• Ҳирот шаҳрига 500 тонна инсонпарварлик ёрдами олиб келаётган колоннани тўхтатган толиблар бир тонна юк учун 32 доллардан солиқ тўлашни талаб қилишди, бироқ у ердаги БМТ хизматчилари буни бажаришдан бош тортдилар.

Фарғона вилояти Боғдоқ туманидаги 1-мактабнинг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Шохистахон Сиддиқова "Йил ўқитувчиси—2001" кўриктанловида ажойиб янгилик билан қатнашди. У Миробод туманидаги 110-мактаб ўқувчилари ҳузурда ўтказган дарсида ўз-ўзини бошқариш усулини қўллади. Муаллима Юсуф Хос Ҳожибнинг ҳаёти ва ижоди ҳамда "Қутадғу билиг" асарини ўтар экан, турли ўқув-техника воситаларидан фойдаланди.

Саҳна кўринишлари орқали адабиёт фани тушунчаларини маҳорат билан ўқувчилар онгига сингдира олди. Дарс таҳлилидан кейин эса тезкор тест қўллаб, ўтилган мавзунини мустақамлаб олди. Хуллас, Шохистахон илғор иш усуллари билан ҳакамлар ҳамда ўқувчилар меҳрини қозонди.

Суратда: изланувчан ўқитувчи Шохистахон Сиддиқова очик дарс пайтида.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.


ЭЗГУЛИК ТАНТАНА ҚИЛАДИ

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси Марказий Кенгаши мажлислар залида ўтказилган йиғилишда катта ҳаёт йўлини босиб ўтган, турмушнинг аччиғини ҳам, чучуғини ҳам татиган уруш ва меҳнат фахрийлари Президентимиз Баёнотини кизгин қувватлаб гапирдилар.

ТАНЛОВ

"Экосан" халқаро жамғармаси республика Хотин-қизлар

СЎНГГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ



қўмитаси билан ҳамкорликда Ангрен шаҳрида "Ёш оналар" республика кўрик-танловининг вилоят босқичини ўтказди. Унда биринчи ўрин олмалиқлик Ди-лафрўз Холбоевага насиб этди.

ТАҚДИМОТ

Яқинда Миллий Матбуот марказида "Шахидлар хотираси" хайрия жамғармаси томонидан нашрга тайёрланган қатағонга учраган ўзбек аёллари ҳақида батафсил маълумот берувчи "Қор кўйнида лолалар" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

ТАЛАБАЛАР ЎҚУВИ

Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳузурдаги "Тинчлик корпуси"нинг махсус ўқув машғулотида иштирок этган Тошкент молия институти талабаларига сертификатлар топширилди.

НОМИ УЛУҒ, МАРТАБАСИ-ЧИ?

ёхуд ўқитувчи обрўсини фақатгина моддий манфаатдорлик даражаси белгилайдими?

2-бет

Педагогика фани:

назария ва амалиёт уйғунлиги

3-4-бетлар

ОНА ТИЛИНИНГ ҚУДРАТИ

13-бет

ФАРОЙИБ МОЛЕКУЛАЛАР

15-бет

НОМИ УЛУҒ, МАРТАБАСИ-ЧИ?

ёхуд ўқитувчи обрўсини фақатгина моддий манфаатдорлик даражаси белгилайдими?

Донишманд халқимизда яхши бир нақл бор: "Устоз — отангдай улуг" дейишади. Бу бежиз эмас. Устозлар ҳам шоғирдларини тетапоя боласини етаклаган ота каби ҳаёт сўқмоқларидан етаклайдилар, ўзларидаги илм ва тажрибани фарзандларидан ҳам яқин бўлиб қолган шоғирдларига сингдирадидилар, демак, ҳаёт сабоғини ўргатадилар.

Ўқитувчи — нафақат устоз, назаримда, устозларнинг устозидир. Чунки ҳамма соҳаларнинг билимдонлари аввал ўқитувчи кўлида таълим ва тарбия олади. Шайх Саъдийнинг "Ота меҳридан устоз жабри улугроқ туради" деган буюк сўзларию буюк Навоийнинг устоз хурмати учун унинг набираси қаршисида отдан тушиб таъзим бажо айлаганлари тўғрисидаги ривоятлар ҳам қадим-қадимдан устозлар кадрлангани, эъзозланганидан далолатдир. "Устоз сўзи муқаддас, устоз номи улугдир" дейишади. Ҳа, устоз номи улуг, лекин мартабаси-чи?

Менинг отам — Мирбобо Сотов 40 йил узлуксиз педагогика соҳасида ишлаганлар. Меҳнат фаолиятларининг асосий қисми кўрик Мирзачўлда — Сирдарё тумани мактабларида ўтган. Отамни у ердаги-

лар исмлари билан эмас, "Домла" деб чақиришарди. Бу сўзни шундай бир ҳурмат билан айтишардики, мен ҳам домланинг, муаллимнинг қизи бўлганимдан фахрларим эдим, гўё буюк ижодкор ёки қахрамон, машҳур инсоннинг қизи каби.

Отанинг айтишларича, илгари ўқитувчиларнинг ҳурмати ҳам, мартабаси ҳам жуда юқори турган экан. Давраларнинг, минбарларнинг тўри ҳам уларники, моддий манфаатдорлиги ҳам

Mulohaza

бошқаларникига қараганда юқори бўлган экан. Шу боисданми, мактабда кўпроқ эркалар ишлашган.

Хозирги кунда ўқитувчининг мартабасини кўтариш учун "Устоз — отангдай улуг" деган сўзлар китобларда қолиб кетмаслиги учун нима қилиш керак? Тўғри, ўқитувчиларга кўплаб шарт-шароитлар яратилган, моддий манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Лекин фақат шунинг ўзи билан ўқитувчи мавқеини кўтариб бўлмайди. Назаримда, биринчи навбатда ўқитувчининг ўзи ўқимишли, муаллимнинг ўзи илмли бўлиши керак. Ўз фани, соҳасини мукамал билиши, дарсдан

ташқари маълумотлардан унумли фойдалана олиши, соҳа янгиликларидан бохабар бўлиши, дунёқарши кенг мутахассис бўлиши керак.

Хўп, илми бор бўлса-ю, уни ўқувчига етказиб бера олмасачи? Албатта, дарс қуруқ бўлиб, ўқувчини зериктиради, демак, ўқитувчининг ўз ҳаками олдидаги мартабаси бир поғона тушади.

Шу ўринда ўқитувчининг иккинчи бир педагогик маҳорати санъаткорлиги қирраси очилиши керак. Бир соатлик дарс — катта бир санъат асари. Уни шундай ижро этиш керакки, томошбин — ўқувчи иккинчи санъаткор — ўқитувчининг маҳоратига тан берсин, дарснинг миясига қуйилиб қолганига иқроор бўлсин ва ўзи ҳам шу санъат асарининг фаол ижросига айлансин!

Демак, ўқитувчи ҳам олим, ҳам санъаткор сингари фаолият юритиши керак. Хуллас, ўз устида тинмай ишлайдиган ўқитувчига комил ўқитувчи, ўқувчиларининг сеvimли устози бўла олади.

Шарофат ТОШМИРЗАЕВА, ижтимоий йўналишдаги республика махсус гимназияси олий тоифали она тили ва адабиёт ўқитувчиси, Халқ таълими аълочиси

Бугунги кунда янги академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари учун ўқув адабиётларининг яратилиш жараёни қай аҳволда? Шу ва шу каби масалалар яқинда Тошкент Давлат техника университетида бўлиб ўтган йиғилишда атрофлича муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида шу нарса аён бўлдики, мазкур университет бугунги кунда пойтахтимиздаги учта академик лицей ва 26 та касб-ҳунар коллежлари билан ҳамкорлик ўрнатган. Мана

Taqdimot

раётган лицей ва коллежларга ўқув қўлланмалари яратилган ташқари улар учун 37 турдаги жами 897 дона адабиётларни тарқатиб, ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Бу адабиётлар қаторига Ўзбекистон энциклопедияси, Президент асарлари, дарсликлар, бадий адабиётлар ҳамда иқтисодий, сиёсий, тарихий асарлар киради. Уларга қўшимча тарзда янги педагогик технологияларда фойдалана

УНИВЕРСИТЕТНИНГ ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ

шу ҳамкорликнинг самараси ўлароқ касб-ҳунар коллежлари учун 12 та ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилди.

Йиғилишда иштирок этган олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов, вазирнинг биринчи ўринбосари, ЎМКХТ Маркази раҳбари Ж.Хусановлар ўз маърузаларида техника университети томонидан қилинган ва қилинаётган ишлар ҳақида илиқ фикрлар билдирдилар. Университет ўзи билан ҳамкорликда иш олиб бо-

ниш учун тажриба тариқасида CD-дисклари ҳам тақдим этилди. Бундан ташқари Чилонзор ва Юнусобод радиотехника, Мирзо Улуғбек sanoat ҳамда Сирғали политехника коллежларига қўшимча тарзда 100.000 сўм миқдорда қўшимча адабиётлар ажратилди. Университет ректори Қ.Аллаев ўз нутқида бу хайрли ишлар яна давом эттирилажаклигига урғу берди.

Абдулхамид АБДУАҲАД ўғли

ЁШЛАРГА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Қибрай туманининг Чингелди қишлоғида жойлашган маиший хизмат йўналишидаги касб-ҳунар коллежининг ишга туширилганлигига унчалик кўп вақт ҳам бўлмади. Аммо, мана шу қисқа давр мобайнида бу ерда қатор ижобий натижаларга эришилди.

Юксак малакали кадрлар тайёрлаш йўлида ҳамда таълим жараёнида юқори кўрсаткичларнинг гарови бўлмиш янги педагогик технологияларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида коллежда учта мониторинг хонаси ташкил этилган. Шунингдек, замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, кўргазмалар воситалар билан жиҳозланган тўртта лингафон хонаси, ўқув амалиётини тўғри ташкил қилишга зарур бўлган барча асбоб-ускуналар жамланган тўртта ишлаб-чиқариш устахонаси талаба-ёшларнинг энг сеvimли масканларига айланган.

Айни кунда мазкур даргоҳда қишлоқ ёшлари сартарошлик санъати ва декоратив косметика, умумий овқатланиш, радио ва телеаппаратуралардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш, маиший машиналар ва асбобларни таъмирлаш, ҳуқуқий хўжалик фаолияти, савдо, бухгалтерия ҳисоби, тикувчилик, кинология йўналишлари бўйича касб-ҳунар сирларидан воқиф бўлишмоқда.

Тошкент вилоятининг йироқ қишлоқларию туманларидан келиб ўқиш истагини билдирган йигит-қизлар учун ҳам коллежда барча шарт-шароитлар мавжуддир. Замонавий ётоқхона, спорт зал, шинам ошхона, кенг ва ёруғ ўқув хоналари қишлоқ ёшларининг тўлиқ ихтиёрида.

М.ИБРАГИМОВА



Боланинг мурғак қалби доимо меҳрга ташна яшайди. Унга ана шу меҳрни бера олган инсон эса бир умр унинг сеvimли кишисига айланади. Пойтахтимиздаги 121-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Саодат Шералиева мана неча йилдирки, илк бора мактаб остонасини ҳатлаган, илмга чанқоқ, меҳрга ташна қалбларга ўзининг қалб кўрини бериб, келажакда уларнинг комил инсон бўлиб вояга етишишлари йўлида тинмай изланаётган фидойи муаллималаримиздан.

— Мен ёшлигимдан ёш болалар билан ишлашни орзу қилганман, — деб эслайди ўқитувчи. — Балки бу истак менда мактабга илк бора келганимда меҳр уйғотган устозларимдан ўтган бўлса ажабмас.

Устоз улуг зот. У юрт келажagini бунёд этади. Шу боис ҳам С.Шералиева доимо ўз касбидан фахрланиши билан бирга уни сидқидилдан адо этиб келмоқда.

Изланувчан ўқитувчи ёшларимизнинг илм сирларини мукамал эгаллашлари учун бугунги замон талаблари даражасида турли ноанъанавий дарслар асосида сабоқ бериб, уларнинг билим олишларига бўлган интилишларини уйғота олган. У кишининг дарсларини кузатган ҳар бир инсон ўқувчиларнинг дарс жараёнида фаоллигини кўриб, бунга амин бўлади.

Суратларда: С.Шералиева навбатдаги машғулоти олиб бормоқда.

Бурҳон РИЗОКУЛОВ олган суратлар.

Халқ таълими вазирлиги муассислигида чоп этилаётган "Узлуксиз таълим", "Таълим тараққиёти", "Физика, математика ва информатика" журналлари бугунги ислохотлар даврида таълим соҳасини такомиллаштириш, етук кадрлар тайёрлашда ўз ўрнига эга бўлиб, чуқур ва кенг қамровли илмий тадқиқотлар, янгиликлар минбаридир.

"Узлуксиз таълим" журналида "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ва "Таълим тўғрисида" ги қонунга асосан таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, жараёнда эришилаётган ютуқлар ва дуч келинган муаммолар таҳлили бериб борилади.

"Таълим тараққиёти" журналида тизимда қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар билан таълими борасида.

"Физика, математика ва информатика" журнали эса математика, физика, информатика со-

Obuna—2002

ҳаларига оид муаммолар ечимини топишда Сизга кўмакдош бўлади.

Ҳар уччала журнал ҳам таълим фидойилари, илмий тадқиқотчилар, олимлар, умуман, зиёлиларнинг, Сизнинг журналингиз эркин фикрларингиз минбари. Уларга обуна бўлинг!

"Узлуксиз таълим"

Якка обуначилар учун - 993
Ташкилотлар учун - 994

"Таълим тараққиёти"

Якка обуначилар учун - 1056
Ташкилотлар учун - 1057

"Физика, математика ва информатика"

Якка обуначилар учун - 991
Ташкилотлар учун - 992

ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ: РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимида 2001-2010 йиллар даврида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Дастурини тасдиқлади. Бундан асосий мақсад мамлакат ўқув муассасаларини давлат таълим андозаларига мос юксак малакали мутахассислар билан таъминлашдир.

Бунда мунтазам равишда, уч йилда камида бир марта академик лицей ва касб-хунар коллежлари раҳбарлари ва ўқитувчиларини аттестациядан ўтказиш, шунингдек, раҳбарлар ва ўқитувчиларнинг бўш лавозимларини танлов асосида тўлдирини йўлга қўйиш кўзда тутилади. Дастурга мувофиқ педагогика ва муҳандислик-техник йўналишларга бакалаврларни ўқитиш умумтаълим мактабларининг 11 синфи, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини битирувчилари ҳисобидан амалга оширилади. Педагогика ихтисослиги бўйича магистрлар тайёрлаш педагогика йўналиши бакалавриати негизда амалга оширилади.

Тахминий ҳисобларга кўра, 2010 йилда янги ва қайта таъмирланган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ишга туширилиши давомида педагог ва муҳандис-педагог кадрларга бўлган мутлоқ эҳтиёж 167 минг кишидан кўпроқни ташкил этади. Академик лицей ва касб-хунар коллежларини педагог кадрлар билан тўла-тўқис таъминлаш учун ўн йил ичида 101,2 минг нафар мутахассис тайёрлаш режалаштирилмоқда. Бу дегани, ҳар йили педагогика ва муҳандислик-педагогика йўналишлари бўйича абитуриентлар қабул қилиш 9-10 минг кишига етказилади.

Бундан ташқари, умумтаълим мактаблари, ўрта махсус ўқув юртлари ва касб-хунар билим юртларидан бўшбақ қоладиган 17 мингдан кўпроқ ўқитувчи академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига жалб этилади. Педагогика фаолиятига, айниқса лицейларга олий ўқув юртлари ўқитувчиларини жалб этиш

давом эттирилади.

Қарорда Ўзбекистон олий ўқув юртлари билан жаҳоннинг етакчи университетлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш, улар билан интернет тармоғи бўйича электрон алоқани йўлга қўйиш, шунингдек институтлар, факультетлар ва малака ошириш марказлари, коллежлар ва лицейлар раҳбарлари ҳамда ўқитувчиларини "Устоз" жамғармаси орқали хорижга юбориш кўзда тутилади. Педагог ва муҳандис-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мазмунини такомиллаштириш олий таълим муассасалари, кафедралар, факультетлар ва марказларнинг ўқув ва моддий техника базасини мустаҳкамлаш билан биргаликда олиб борилади.

Олий таълим муассасаларининг моддий техника базаси имкониятлари ўрганилиб, уларни ўқув-лаборатория ва махсус асбоб-ускуналар билан жиҳозлашни яхшилаш чоралари дастури тайёрланади. Ўқитиш жараёнига компьютер техникасини, аудио-видео материалларни жорий этиш ва интернет тармоғига уланиш тадбирлари кўрилади. Шунингдек, мултимедий ўқитиш дастурлари ишлаб чиқилади.

Қарор олий таълим муассасаларини жиҳозлашга қўшимча грантлар ва имтиёзли кредитлар жалб этиш, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлардан самарали фойдаланиш масалаларини ҳам камраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига бир ой муддатда манфатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга давлат талабларини ишлаб чиқиш, икки ой муддат ичида академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари мутахассисларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг ўқув режалари ва дастурини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш вазифасини юклади.

«ТУРКИСТОН-ПРЕСС»

Кеча Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ушбу Дастурни амалга оширишни режалаштириш ташкил этиш масаласига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда асосан кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёни учун зарур бўладиган мутахассислар, ўқув-услубий, меъёрий ҳужжатлар ҳамда ўқув моддий базани яратиш хусусида сўз борди.

— Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш фақатгина номига бўлиб қолмаслиги лозим, — деди олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов. — Бунда биз қайта тайёрланувчи ёки малакасини оширувчининг нималарга эҳтиёжи борлигини ҳам ўрганишимизга тўғри келади. Шунинг учун ўқитувчининг аввало ҳозирда дарс жараёнида фойдаланаётган маърузаси матнини ўрганиб, таҳлил қилиб, уни малака ошириш жараёнида такомиллаштириш йўлидан бормогимиз керак.

Йиғилишда Ўрта махсус касб-хунар таълими Маркази бошлиғи Ж.Хусанов қайта тайёрлаш ва малака оширишда бевосита ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорлик қилиш, энг асосийси ҳозирда юзага келаётган бир ҳолга, яъни ўқувчиларда касб-хунар, билим олишга эҳтиёжнинг ортиб бораётганлиги, ўқитувчилар эса айрим ҳолларда унга яраша замонавий билим ва тажрибага эга бўлмай қолаётганлигига барҳам бериш лозимлигини алоҳида таъкидлади. Қарорда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига юкланган вазифаларни бажариш бўйича ишчи гуруҳи тузилди.

МУХБИРИМИЗ.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичи ижобий натижалар билан якунланди. Унда асосан ташкилий ишлар амалга оширилиб, зарур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар яратилди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи асосий мақсади эса таълим сифатини таъминлашдир. Бу — педагогика фанини, хусусан, педагогик амалиёт ва педагогик назарияни замон талаби асосида ривожлантириб, такомиллаштириш тақозо этади. Тошкентда таъсис этилган Педагогика фани бўйича республика семинари ана шу мақсадга хизмат қилади. Яқинда РТМда ўтказилган мазкур семинарнинг биринчи мажлиси ҳам энг долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланди.

Мажлисида Файрат Шоумаров "Ўзбекистонда педагогик амалиётни фан асосида ривожлантириш таъминловчи омиллар" мавзусида батафсил сўз юритди.

— Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини иккинчи босқичининг асосий вазифаси барча таълим турларида таълим сифатини таъминлаш эканлиги ҳаммамизга маълум. Бунинг зарур шартларидан бири эса педагогик амалиётнинг илмий

туриб, бундай фундаментал тадқиқотларни олиб бораётгани йўқ. Натижада Кадрлар тайёрлаш миллий модели, ДТСларини таълим тизимида жорий қилиниши педагогика фани томонидан етарли тадқиқ этилмади.

Педагогика фанидаги фан докторларининг илмий савиясини бирмунча пасайганлигини кузатиш мумкин, ваҳоланки, замон фақат ривожланиш ва юксалишни талаб қилади.

Айрим фан докторлари орасида носоғлом рақобат муҳити юзага келиб, бу — фан, илм аҳлига ва ачинарлиси, фаннинг ривожланишига салбий таъсир қилапти.

Фан докторларининг маълум қисмида соғлом илмий мунозара қилиш маданияти етишмайди. Илм-фанда муқаррар табиий равишда мавжуд бўлган танқидий фикрни тўғри қабул қилмаслик, аксинча, ҳақоратлаш, айрим шахслар бунга илмий-мунозара эмас, балки шахсий адоват сифатида қабул қилиб, кўнглига тугиб, ўрни келганда, ўч олиш, имкониятни бўлмаса, уни "хафа қилган" олимнинг шогирдларидан ўчини олиш ҳолларининг тез-тез гувоҳи бўлишимиз мумкин.

одамларнинг ёстигини қуритаётган бир вақтда олимлар эпидемиянинг ўчоғида бўлиб касалларга амалий ёрдам бериш билан бирга илмий тадқиқот ишларини олиб борган, айрим касалликларни юқумли ёки юқумсизлигини аниқлаш учун бир гуруҳ олимлар 15 кун давомида касалларнинг соч, тирноқ, тери ва бошқа чиқинди моддаларини овқат билан истеъмол қилганлигига гувоҳ бўлаемиз.

Бу олимлар олдида биз олим сифатида нима қаромат кўрсатаймиз? Биз олим деган юксак номга нақадар лойиқмиз?

Юқорида санаб ўтилган олимларимиз-чи? Ундай сохта, илмий тафаккури етарли бўлмаган, қалби нопок олимларимиз, кўйиб берсак, педагогика фанини бугунги ва эртанги кунини белгилашга ҳаракат қилишади. Натижаси қандай бўлиши эса ҳаммага маълум.

Бизнинг бугунги йиғилишимиз бундан бир ярим йил олдин Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Тўхтапўлат Рисқиев ўтказган мажлисининг мантиқий давомидир. Мақсади ва вазифалари ҳам Т. Рисқиев томонидан аниқ белгиланган эди. У ҳам бўлса

ПЕДАГОГИКА ФАНИ:

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛАШТИРИЛАДИ

асосланганлигидир.

Педагогик амалиёт ва унинг махсуллари бўлган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури (КТМД), давлат таълим стандартлари (ДТС), ўқув режалар, ўқув дастурлари, дарсликлар ва бошқаларнинг илмий асосда ишлаб чиқилиши ва такомиллаштиришда педагогика фани илмий-назарий ва методологик асос вазифасини ўташи лозим, аммо педагогика фани, бугунги кунда, аравадан ортда қолган отни эслатади.

Педагогика фанининг бугуни ва истиқболини белгилаш асосий вазифаси бўлган Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг (ЎзҒПИТИ) раҳбарлари эса "Маърифат" газетасида (3 октябрь, 2001 йил) чоп этилган мақоласида юқоридагиларнинг барчасини педагогика фанининг махсули сифатида кўрсатишган.

Таълимнинг барча турлари педагогика фанида фундаментал илмий-тадқиқот ишларига унинг натижаларга муҳтож, аммо бундай тадқиқотларнинг ўзи деярли йўқ. Таълим тизимида учта илмий-тадқиқот институти миз бор. Шулардан иккитаси (Олий мактаб муаммолар институти, Ўрта махсус, касб-хунар таълимининг ривожлантириш институти) амалий характердаги ишларни бажаришга мўлжалланган.

Ўзбекистон педагогика илмий-тадқиқот институти эса, ўз номи билан шунга масъул бўла

Ақли кишиларни мунозара яқинлаштиради, ақли бўлмаган ёки ақли бўлса ҳам қалби нопок бўлган, мардлик етишмайдиган кишиларни мунозара бир-бирдан узоклаштиради, баъзи ҳолларда эса бир-бирига душманлик қилишга олиб келади. Педагогика соҳасида олим бўла туриб, ушбу ҳикматни баъзилар уқмаган, баъзилари қабул қилолмади. Олимлар орасида носоғлом муносабатлар фаннинг ривожланишига, унда етишиб чиқаётган олимлар сифатида ҳам салбий таъсир қилади. Олим, устоз каби улуг номларни кадрсизлантиришга хизмат қилади.

Илм-фанни, ихтисослашган кенгаш ишини, диссертация экспертизаларини очиқ бозорга айлантирган одамлар (олимлар) ҳам мавжуд.

Олим сифатида ўзи етарли савияга эга бўлмай ўзгаларга илм-фан йўлида ақл ўргатадиганларимиз кўпаймоқда. Фанда етарли илмий потенциалга эга бўлмаган, илмий тадқиқот ишларида ҳеч нарса қилмаётган, аммо ўз фаолиятини илмий сермахсул қилиб кўрсатишга уриниб юрганлар сони етарли.

Фанлар тарихига бир назар ташласак, гоё учун ўтда куйган, вабо касаллигини ўрганиш йўлида ўзи холера вибрионини ичиб касаллик клиникасини кузатган, уни ишини такрорламоқчи бўлган шогирди вибрионни ютиб вабодан ўлган, чума — товун касаллиги миллионлаб

педагогика фанини замон талабига етказиш, педагогика фанини педагогик амалиёт хизматида қўйиш, педагогика фанини ривожлантириш йўллари биргалашиб излаб топиш, педагогик амалиётни фан-педагогик назария асосида ривожлантириш таъминловчи омиллардан самарали фойдаланиш, педагог олимларнинг янги авлодини тарбиялаб етказишдан иборат.

Бунинг учун нима қилишимиз керак?

Аввало, педагогика фанини ривожлантиришга бевосита қаратилган доимий ишловчи Республика семинарини ташкил этишимиз ҳамда унинг Низоми, таркиби, иш режасини ишлаб чиқишимиз лозим. Ушбу семинар ҳар икки ойда ўз мажлисини ўтказиши, унда долзарб мавзулар бўйича илмий-маърузалар эшитилиши ва муҳокама қилиниши зарур.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари, ўқув адабиётлар ва бошқалар мутахассис олимлар томонидан илмий тадқиқ этилиши керак.

Таълим-тарбия жараёни барча таълим турларида педагогика, психология, физиология, гигиена, социология бошқарув илми ва бошқа фанлар орқали илмий тадқиқ этилиши даркор. Яъни илмий ишларда тадқиқот предмети ёндош бўлган фанлар томонидан ўрганилиши ва тадқиқот комплекс характерда олиб борилиши лозим.

(Давоми 4-бетда)

(Давоми. Боши 3-бетда)

Шу жумладан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга тадқиқ этилиши ҳам педагогика ва у билан боғлиқ ёндош фанлар томонидан илмий тадқиқ этилиши керак.

Педагогика фанида фундаментал илмий-тадқиқотлар фақат умумий ўрта таълим доирасида эмас, балки ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим, олий таълимдан кейинги таълим ва бошқа таълим турлари бўйича ҳам олиб борилиши лозим.

Педагогика фанида олий малакали илмий-педагогик кадрларни, юқорида санаб ўтилган иллатлардан халос бўлган, янги авлодини тайёрлашимиз керак.

Ихтисослашган кенгашдан эксперт кенгашига диссертация экспертизаларини холисона ўтказилишини таъминлаш чораларини кўришимиз керак. Олим номини қадрсизлантirmаслигимиз, аксинча уни муносиб савияга кўтариш чораларини кўришимиз керак.

Педагогика фанини ривожлантиришда мавжуд илмий-тадқиқот институтлардан ташқари олий таълим тизимининг олий таълим муассасаларидаги илмий потенциалдан етарли фойдаланиш зарур.

Илмий-назарий, илмий-методик, илмий-амалий анжуманларнинг мезонларини ишлаб чиқиш ва уларни номларига муносиб даражада ўтказиш керак.

Мажлисда доцент Алишер Каримов йиғилганларга "Кадрлар тайёрлаш миллий модели: узлуксиз таълимда сифат мониторинги ва бошқаруви" мавзусида илмий маъруза қилди:

— Мамлакатимизда таълим соҳасидаги ислохотлар босқичма-босқич ва изчиллик билан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ амалга оширилиб келинмоқда. Миллий дастурнинг негизида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов кашф этган ва жаҳонда ҳақиқат риважда эътироф этилган кадрлар тайёрлашнинг тубдан янги — миллий модели ётади.

Таълим соҳасида рўй бераётган ислохотларнинг бош мақсади Ўзбекистон Президенти Ислоҳ Каримовнинг "Баркамол авлод орзуси" китобидаги публицистик мулоҳазаларида аниқ ифода этилган. Мазкур китобда "таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига", "ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялашга" олиб келади ва "онгли, тафаккури ҳар хил измлардан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни такомиллаштиришга қодир бўлади" деб баъшорат қилинган. Шу маънода, миллий модель муаллифи ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш ва миллий истиқлол гоёси асосида бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш билан жамиятимизда кучли тараққиёт - "портлаш эффек-

ти" содир бўлишига катта ишонч билдирган.

Эндиликда кадрлар тайёрлаш миллий модели ва унинг ҳар бир компонентини назарий жиҳатдан атрофлича тадқиқ қилиш вақти келди. Бу борада мамлакатимиз илм-фан соҳасида янги илмий йўналишни тадқиқ қилишга асос солинди.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели 1997 йилда кашф этилгани туфайли, унинг муайян аспекти шу пайтгача санокли тадқиқотчилар томонидан ўрганилган ва таҳлил қилинган. Олиб борилган тадқиқотлар ижтимоий-педагогик хусусиятлари ва асосий компонентларининг мазмун ва моҳиятини ёритишга, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга тадқиқ этиш борасида амалий тавсиялар ишлаб чиқишга бағишланган.

Амалга оширилиши уч босқичдан иборат Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг биринчи босқичида (1997-2001 йиллар) мамлакатимизда таълимнинг миллий моделига мос узлуксиз ва изчил таълим тизими шакллантирилмоқда ва ушбу тизим равон ишлаши учун зарур ҳуқуқий, илмий-услубий, моли-

бар этиш талаб этилади.

Сифатли кадрлар тайёрлаш деганда, биринчи галда, давлат таълим стандартларига таянган ҳолда мавжуд таълим жараёни-ўқитиш услубиятида ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида юзага келган патерналистик принципларни бартараф этиш ва ҳамкорлик, яъни ўқувчи ёшларни мустақил ва эркин фикрлашга, ўз кучига ишониб билимларни чуқур ўзлаштиришга қаратилган педагогика принципларига ўтиш назарда тутилади.

Ушбу вазифани бажариш учун:

биринчидан, барча педагог кадрлар узлуксиз таълим тизимининг янги давлат таълим стандартларини мукамал ўзлаштириши, шу жумладан, мавжуд таълим турларида узлуксиз равишда ўқитиладиган ўқув фанлар бўйича меъёрий талабларни билиши ва педагогик амалиётда уларга ижодий тарзда ёндошиб бориши;

иккинчидан, барча таълим турларида интерактив таълим тизимини жорий қилиш, бунинг учун педагог кадрларни илғор педагогик фан ва технологиялар асосида махсус қайта тай-

ПЕДАГОГИКА ФАНИ:

НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУНЛАШТИРИЛАДИ

явий-моддий шарт-шароитлар яратилмоқда.

Хусусан, янги давлат таълим стандартлари асосида барча таълим турларида ўқув дастурлар ва ўқув адабиётларнинг янги авлоди вужудга келмоқда, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда, таълим муассасаларининг, айниқса, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг моддий-техник базаси замонавий талаблар даражасида тубдан янгиланмоқда.

Мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг махсус компонентлари сифатида узлуксиз таълим тизимининг тегишли бошқарув органлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Давлат тест маркази таркибидаги Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси, "Устоз" ва "Умид" жамғармалари ҳамда Халқ таълими вазирлиги таркибидаги психологик-педагогик ташхис марказларининг фаолиятлари такомиллашиб бормоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичида (2001-2005 йиллар) асосий куч ва эътиборни таълим мазмунига, узлуксиз таълим тизими талабларига жавоб берадиган сифат нуқтаи назардан ётуқ кадрларни тайёрлашга сафар-

ёрлаш курсларидан ўтказиш керак. "Ўқитувчи ва ўқувчи муносабатидеги мажбурий итоаткорлик ўрнини онгли интизом эгаллаши", "Ўқитувчининг бош вазифаси ўқувчиларда мустақил фикр юритиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат" бўлишини таъминлаш;

учинчидан, ўқув жараёни сифатининг асосий омилларидан бири ҳисобланадиган, юқорида қайд этилган талабларни ўзида мужассам этган, ўқув адабиётларнинг янги авлодини тайёрлаш концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жумладан, таълим турлари (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим) ва ўқув фанларининг турлари (умумтаълим, умумкасбий ва мутахассисликларга оид фанлар) бўйича табақалаштирилган ўқув адабиётларини, мультимедиа ва компьютер дастурларини яратиш ва амалиётга жорий этиш;

тўртинчидан, янгидан шаклланаётган узлуксиз таълим тизимида ўқувчи ёшларнинг интеллектуал салоҳияти ва мустақил фикрлаш қобилиятини баҳолаб берувчи мезонлар ҳамда зарур педагогик технологияларни яратиш, уларни амалда ҳар бир таълим турида қўллаш учун махсус илмий-услубий қўлланимлар ишлаб чиқиш талаб этилади.

Булар эса, Кадрлар тайёрлаш миллий моделини мақъл-

садли тадқиқ этишни, хусусан, таълим сифатини бошқариш илмини жадал ривожлантиришни тақозо этади. Ҳозирги пайтда кадрлар тайёргарлиги сифати мониторингини ҳар бир таълим тури бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда олиб бориш ва энг муҳими, таълим сифатини илмий асосда давлат миқёсида самарали бошқариш долзарб масалага айланди. Мамлакатимизда узлуксиз таълим сифати мониторинги ва уни бошқариш яхлит тизимини ҳамда ушбу тизимни рўёбга чиқариш механизмларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим сифати мониторинги ва бошқаруви яхлит тизимининг лойиҳаси тақлиф этилмоқда. Мазкур тизимнинг мазмун-моҳияти шундаки, Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастури талаблари асосида ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари бўйича давлатнинг ваколатли органи - Давлат тест маркази умумий

механизмида, ҳар бир таълим тури доирасида белгиланган ва унинг асосий параметрларидан бири бўлган "қайта алоқа" ўрнатилиши ва ушбу оператив боғлиқлик орқали талаб даражасида таълим сифатига самарали таъсир кўрсатилиши, таълим мазмунига мунтазам мақсадли ўзгартиришлар киритилиши ҳамда ўқув-тарбия жараёнининг доимий, замонавий талабларга жавоб берувчи, динамик ўзгарувчанлик ҳолати таъминланади.

Натижада, узлуксиз таълимда сифатни самарали бошқариш, кадрлар тайёрлаш жараёнини мамлакатимизнинг реал эҳтиёжларига мослашувчанлигини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилади ва эски, доимо статик ҳолатда бўлишга маҳкум қилинган, таълим тизими бошқарувида барҳам берилади.

Мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимида мавжуд таълим турларининг кадрлар сифатини ошириш масаласи бўйича ўзаро самарали ҳамкорлиги ўрнатилади ва қайта алоқали бошқарув механизмлари ишга тушиши эвазига, кадрлар тайёрлаш миллий модели талабларига жавоб берадиган яхлит соҳа бошқаруви юзага келади.

Шу билан бирга, кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш юзасидан амалий ишлар бўйича таълимнинг бошқарув органлари ва таълим муассасалари фаолиятига, хусусан, уларнинг раҳбарларига тегишли баҳо берилади.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва дастури талабларидан ҳамда жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, узлуксиз таълим сифати мониторинги ва бошқаруви тизимида таълим турлари бўйича мавжуд давлат таълим стандартларига тегишли ўзгартиришлар киритиб бориш кўзда тутилади.

Шунингдек, А.Каримов "Ўрта махсус, касб-хунар таълими учун педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш янги тизимлари" моҳиятига ҳам тўхталди.

Мажлисда маърузалар юзасидан қизгин мунозаралар давом этди. Мунозараларда сўзга чиққанлар "Педагогика ва психология" журналичини ташкил этиш, педагогикадан юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, ёш олимлар даврасини кенгайтириш, хорижий мамлакатлар олимлари билан ҳамкорликни кучайтириш, олимларнинг пухта режага эга бўлишига эришиш тақдирларини ҳам ўртага ташлади.

Мунозаралар якунида мажлис иштирокчилари ҳар икки ойда бир марта йиғилиб, педагогика фани бўйича пайдо бўладиган долзарб муаммоларни муҳокама қилиб боришга келишиб олдилар.

Курбонбой
МАТҚУРБОНОВ.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтингини жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги қонуни, «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури» ва Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги 203 - сонли Қарорини бажара бориб Халқ таълими тизимида охириги 5 йил давомида ўқувчиларнинг таълим тайёргарлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Шу давр мобайнида рейтинг тизимининг бир қатор моделлари (вариантлари) тажриба-синовдан ўтказилди. Ўтказилган тажриба-синов натижаларининг таҳлилу шуни кўрсатдики, вазирликнинг Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси умумий раҳбарлигида ишлаб чиқилган ва 1998 йил 10 сентябрда 172 - сонли буйруқ билан тажриба-синов ўтказиш учун тасдиқланган рейтинг модели таълим жараёнининг асосий педагогик мақсад ва вазифаларига ҳамда ДТСни жорий этиш билан боғлиқ талабларга бошқа рейтинг тизими моделларига нисбатан тўлароқ жавоб беради.

Жумладан, ушбу моделининг асосий афзалликларини қуйидагилардан иборатдир:

— ДТСда белгиланган мажбурий таълим минимумлари (билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган минимал талаблар)ни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши даражасини аниқ ўлчаш, ҳисобга олиш ва ҳолисона баҳолашга йўналтирилганлиги;

— ўқувчилар билимидаги мавжуд камчиликлар (бўшлиқ-лар)ни аниқ ҳисобга олиш, ҳамда шу асосда улар томонидан ўзлаштирилмаган билим, кўникма ва малака(БКМ)ларни ҳар бир элементи бўйича тўлдириш механизмининг мавжудлиги;

— ўқувчиларнинг ДТСда белгиланган мажбурий таълим минимумларидан юқори бўлган билимларни аниқлашга ва қайд этишга мўлжалланганлиги;

— ўқувчиларнинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш механизмининг мавжудлиги;

— ўқувчиларнинг ихтиёрий таълим фаоллигини, мустақил билим олиш кўникмаларини шакллантириш ва рағбатлантириш, таълим олишга қизиқишини уйғотишга йўналтирилганлиги ва бошқа бир қатор ўзига хос хусусиятларининг мавжудлиги (1-илова).

Халқ таълими вазирлигида тажриба-синов жараёнида ўзининг юқоридаги афзалликларини кўрсатган ушбу рейтинг тизими моделини янада такомиллаштириш

ҳамда уни таълим жараёнига тўлиқ жорий этиш учун ташкилий-услубий шароитлар яратиш мақсадида «Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтингини жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш ҳақида»ги буйруқ қабул қилинди. Жумладан, унда шундай дейилади:

«Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтингини тўғрисида»ги Низомнинг олимлар, методистлар, амалиётчи ўқитувчилар таклифлари асосида такомиллаштирилган экспериментал варианты тажриба-синов майдончаларида тадқиқотлар олиб бориш ҳамда ҳудудий таянч мактабларида синовдан ўтказиш учун тавсия этилади. (2-илова) ҳамда ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтингини тажриба-синовдан ўтказиладиган республика майдончаларининг рўйхати 3 -иловага мувофиқ тасдиқланади.

Республика тажриба-синов майдончаларининг асосий вазифалари этиб, олиб борилаётган тажриба-синов ишларини давом эттириш ҳамда рейтинг тизимини таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича услубий-ўйриқнома материаллари комплексларини яратиш, апробациядан ўтказиш ва уларни такомиллаштиришга қаратилган ишларни давом эттириш масалалари белгиланади.

«Рейтинг тизимини ўқув жараёнига босқичма-босқич татбиқ этиш механизми» 4 -иловага мувофиқ тасдиқланади ва белгиланган муддатларда ва тартибда педагогик амалиётга жорий этилиши таъминланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар Халқ таълими бош-қармалари раҳбарларига эса 2001/2002 ўқув йилининг 20 сентябргача ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг тизимининг мазкур моделини синовдан ўтказишда қатнашиш учун 2 тадан ҳудудий тажриба-синов майдончаларини (таянч мактабларини) белгилаш ва ушбу мактабларни замонавий компьютер техникаси билан таъминлаш вазифаси юклатилади.

— Ҳудудий таянч мактабларига республика тажриба-синов майдончаларида ишлаб чиқилган услубий-ўйриқнома материаллари комплексларини босқичма-босқич синовдан ўтказиш, тўпланган тажрибаларни «Рейтинг тизимини ўқув жараёнига босқичма-босқич татбиқ этиш механизми»да белгиланган тартибда ва муддат-

ларда ўз ҳудудларидаги бошқа мактабларга етказиш ҳамда ўқув жараёнига татбиқ этишда кўмаклашиш, услубий-ўйриқнома материаллари комплексларини керакли нусхада кўпайтириш, вазирликнинг Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси билан ҳамкорликда мазкур рейтинг моделини синовдан ўтказиш учун жалб қилинган таянч мактабларини ушбу зарурий услубий-ўйриқнома материаллари билан таъминлаш, уларнинг мутахассисларини ўқитишни ташкил этиш каби вазифалар юклатилади.

Шунингдек, ҳудудий таянч мактаблари ҳамда бошқарма томонидан мазкур рейтинг моделини татбиқ этиш жараёнининг Низомга мувофиқлиги мунтазам равишда назорат этилади ва унинг натижалари ҳар томонлама таҳлил қилиб борилади.

Буйруқда белгилаб қўйилганидек, 3-иловада кўрсатиб ўтилган тажриба-синов майдончаларида ҳамда таълимни бошқарув органлари томонидан танлаб олинган ҳудудий таянч мактабларида рейтинг жараёни, синф журналларини ва ўқувчиларнинг маълумоти ҳақидаги ҳужжатларни тўлдирилиши мазкур буйруқнинг 2-илова ва 3-илова қисмида тақдим этилган Низомнинг талабларига қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Ушбу рейтинг моделини татбиқ этиш ва синовдан ўтказиш ишларини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш мақсадида Вақтинчалик Ижодий Жамоа (ВИЖ) таркиби (5-илова) ҳамда тажриба - синов майдончалари ва ҳудудий таянч мактабларида таълим тайёргарлиги натижаларини қайд этиш учун «Ўқувчининг рейтинг дафтари»нинг намунавий шакли тасдиқлансин (6-илова).

Ушбу буйруқнинг қабул қилиниши муносабати билан Халқ таълими вазирлигининг 1998 йил 10 сентябрдаги «Ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги даражаси рейтингини татбиқ этиш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ҳақида»ги 172 -сонли ҳамда 2000 йил 31 июлдаги «Умумий ўрта таълим муассаса (мактаб)ларида ўқувчилар билим даражасини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги муваққат Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 145-сонли буйруқлари ўз кучини йўқотган, деб, ҳисобланади ва назоратдан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси мактаб ўқувчилари таълим тайёргарлиги даражаси рейтинг тизими моделининг ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлигининг 2001 йил 14
сентябрдаги 133-сонли
буйруғига 1-илова

Тавсия этилаётган рейтинг модели, узлуксиз таълим жараёнининг узвий қисми бўлиб, ўқувчилар билим даражасини кўп балли тизимда баҳолаш, ўқишда эришган ютуқлари асосида саралаш (табақалаштириш) ва назорат қилиб боришнинг ягона тизимидир. Унинг асосий фоюлари бу борада бир қатор ривожланган мамлакатларда тўпланган тажрибаларни ўрганиш, шунингдек, республикадаги ўқув муассасаларида тажриба-синов тарихида қўлланилаётган бир қатор рейтинг моделларини ҳар томонлама диагностика таҳлили асосида шаклланди.

Мазкур моделининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат :

1. Рейтингни амалга оширилиши таъминловчи ва тартибда келтирувчи меъёрий ва услубий-ўйриқнома ҳужжатлар, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва давлат таълим стандартлари талабларига қатъий риоя қилган, комплекс равишда ва марказлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилди.

Рейтинг моделининг услубий-ўйриқнома таъминотини қуйидагилар ташкил этади:

— ўқув режадаги барча фанлар бўйича ишлаб чиқилган мажбурий стандартли текширув ишлари (МСТИ)нинг комплекслари;

— рейтинг тизимида назоратнинг алоҳида турлари ва шакллари ташкил қилиш бўйича услубий-ўйриқномалар;

— қатъий назоратдаги мактаб ҳужжатларини юритиш ва ўқитувчиларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларини тўлдириш ҳақидаги услубий тавсиянома ва ўйриқномалар;

— рейтинг тизимига асосланган мактабнинг ички назоратини ташкил қилиш ва унинг натижалари таҳлилин аналга ошириш ҳақидаги услубий тавсиянома ва ўйриқномалар;

— алоҳида иш турларини бажариш ҳақидаги ўқувчилар учун ўйриқномалар.

Юқорида номланган материалларнинг асосий қисми ҳозирги вақтда ишлаб чиқилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ХТВнинг 5 та тажриба-синов майдончаларида 1997/98 ўқув йилидан бошлаб муваффақият билан қўлланилмоқда.

2. Тавсия этилаётган модел ўқув режадаги барча фанлар бўйича ўқувчилар билимини баҳолашда оралик назоратини амалга ошириш учун қўлланилаётган текширув ишларининг мажбурийлигини ва ягоналигини, стандартлаштирилишини ва комплекслигини таъминлайди. Бунинг учун ўқувчиларнинг билим даражасини баҳолаш амалиётига «мажбурий стандартли текширув ишлари» (МСТИ) киритилади.

3. МСТИ комплекслари ҳар бир ўқув фани бўйича ДТСда кўрсатилган мажбурий таълим минимумлари ва тасдиқланган ўқув дастурлари асосида тузилади.

4. Алоҳида олинган МСТИ (ва уларнинг бутун комплекти) шундай тузилганки, бунда тегишли мавзуй блокда (чорак ёки ўқув йили давомида) ДТС талабларига мувофиқ ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган таълим минимумлари (билим, кўникма ва малакалар)нинг барча элементлари текширув билан қамраб олинган бўлади.

Бунда, МСТИларнинг ҳар бирида ҳамда комплектида бундай элементларнинг аниқ сони ва уларнинг рўйхати кўрсатилади.

5. Ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтингининг асоси ва негизи бўлиб **стандартли рейтинг баллари (СРБ)** ҳисобланади. СРБ ҳар бир ўқув фани бўйича алоҳида олинган МСТИга мос равишда (чораклар ва ўқув йилига) аниқ белгилаб қўйилади.

Мазкур СРБнинг сон миқдори (қиймати) алоҳида олинган МСТИда (чорак ёки ўқув йили давомида) аниқлаштириб мўлжалланган билим, кўникма ва малака (БКМ) элементлари сони ва сифатига тўғридан-тўғри мос келган ҳолда белгиланган.

6. Ўтказилган ҳар бир МСТИнинг

натижаларига кўра, ўқувчига ДТС талаблари асосида ҳақиқатда ўзлаштирилган БКМ элементлари сонига мос равишда **«текширув ишининг ҳақиқий бали» (ТИХБ)** қўйилади.

7. Юқорида кўрсатилган технология асосида ишлаб чиқилган МСТИ ларни жорий этиш ҳисобига таълим жараёни натижаларини назорат қилишда қуйидаги муҳим мақсадларга эришилади:

— ДТС талабларига мос ҳолда ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган ва ўзлаштирилмай қолган БКМ элементлари (**ўртача умумлаштирилган кўрсаткичи ўрнига**) бўйича ҳолисона бўлган, ягона усулда (ўқитувчининг субъектив усули ўрнига) ҳисобга олишни таъминлайди;

— ўқувчи рейтингини аниқлашда мумкин бўлган максимал даражадаги ҳолисоналикни ва адолатлиликни таъминловчи шарт-шароитларни яратиши;

— ўқитувчилар, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари дастурий материалларнинг мажбурий қисмини ўқувчилар томонидан ўзлаштириш даражасини аниқлаш бўйича муайян ва аниқ ўлчов асосига эга бўладилар;

— таълим муассасаси ва таълимни бошқарув органлари раҳбарлари эса ДТС талабларининг бажарилиши мониторингини амалга ошириш бўйича яхлит-ягона воситага эга бўлишадилар.

8. Тавсия этилаётган модел ўқувчиларнинг билимларида мавжуд бўлган бўшлиқ ва камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ва пайдо бўлишининг олдини олишни таъминловчи махсус ишлаб чиқилган механизмни ўз ичига қамраб олган.

Бунда, ўқувчиларнинг билимидаги бартараф этилган бўшлиқ ва камчиликлар **«тўлдирувчи баллар» (ТБ)** билан баҳоланади.

9. Ҳамкорлик педагогикаси орқали стрессиз ўқитишни таъминловчи, ўқувчиларнинг таълим фаоллигини рағбатлантирувчи, уларда узлуксиз таълим олишга эҳтиёж ва

ижобий муносабатни шакллантирувчи реал шарт-шароитлар яратилади. Шу вазифаларни сифатли ечиш учун мазкур рейтинг моделининг **«жорий назорат»** турида **«эркин баллар» (ЭБ), махсус назорат турида «қўшимча баллар» (КБ) ва «ижодий баллар» (ИБ)** тизими қўлланилмоқда ва улар ўз натижаларини бермоқда.

Номланган баллар тизимини қўлланилиши орқали:

— ДТС талабларига мувофиқ дастурий материалларнинг мажбурий қисмини максимал тўлиқ бўлган ҳолда ўзлаштирилишига эришилмоқда;

— ўқув фаоллиги юқори ва ўрта бўлган ўқувчилар белгиланган чорак(йил)лик стандартли рейтинг баллидан юқори бўлган ҳақиқий рейтинг балларни тўплаш имкониятига эга бўлмоқдалар, ўқув фаоллиги паст бўлган ўқувчилар эса стандартли рейтинг балларнинг даражасига кўтарилиб, уларга етишишлари таъминланмоқда;

— ўқув жараёнининг барча қатнашувчиларида ўқувчиларнинг мажбурий таълим минимумлар талабларидан юқори бўлган таълим тайёргарлик даражасини аниқ баҳолашга, ҳар бир ўқувчининг ижодий қобилиятини ривожланганлиги даражасини, интеллектуал эҳтиёжларини ва фаолиятлардан аниқ бир турига мойиллигини белгилаб олишга имкон берувчи, ҳолисона ўлчов асоси ва реал воситаси пайдо бўлди.

— истеъдодли болаларни аниқлаш, уларнинг қобилиятларини мақсадга мувофиқ ҳолда ривожлантириш, таълим тайёргарлиги йўналишлари ва интенсиялигини босқичма-босқич коррекциялаш учун шарт-шароит яратилган;

— УЎТ мактаб битирувчиларини ўрта махсус, касб-хунар муассасаларига саралаш ҳолисоналигини таъминланади.

10. Тавсия этилаётган рейтинг моделини қўллаш натижасида умумий ўрта таълим мактабларининг 2-9-синфларидаги барча ўқувчилар билимини баҳолаш ва назорат

қилишнинг яхлит-ягона тизимини яратишга эришилади.

11. Рейтинги материалларининг яхлит-ягона бўлган комплекслари барча мактабларга компьютер дискетлари орқали кўпайтирилиб, етказилади.

12. Мазкур моделининг қўлланилиши натижасида ўқитувчининг ишларида (ўқувчилар рейтингини амалга ошириш бўйича) иш ҳажмининг ва мураккаб-лигининг камайишига эришилади.

Аваламбор ўқитувчи текширув ишлар комплексларини мустақил ишлаб чиқиш мажбуриятларидан ва рейтинг балларини ҳисоблаш жадвалларини тузишдан озод бўлади. Натижада ўқитувчи ва мактаб маъмурияти ортиқча қўл меҳнатидан озод этилади ва уларнинг тежалган вақти методик ишлар, ўқувчилар учун сифатли қўшимча ва ижодий топшириқларни ишлаб чиқиш, рейтинг материалларини бойитиш, иқтидорли ва ўзлаштириши паст бўлган ўқувчилар билан яқкама-яқка тартибда ишлашга фойдаланилади.

13. Таъкидлаш жоизки, ушбу модел ҳар бир ўқувчини бошланғич мактабда таълим олган тўла курс бўйича ёки УЎТ ўқув режасидаги алоҳида фанлар тўла курси бўйича якуний рейтингини аниқлашга имкон беради.

14. Таклиф қилинаётган «ўқувчилар таълим тайёргарлиги даражаси рейтингини»нинг усули ва технологияси, бир вақтинчи ўзиде, ўқитувчининг педагогик фаолиятидаги асосий йўналишларини самарадорлиги рейтингини ҳолисона амалга ошириш учун асос бўлади. Ҳозирги вақтда, вазирликнинг ДТС мониторинги бошқармаси томонидан «ўқитувчилар фаолиятини баҳолаш рейтинг тизими»ни ишлаб чиқиш бошланган бўлиб, унинг айрим элементлари ХТВ тажриба-синов майдончаларида синовдан ўтказилмоқда.

(Давоми 6-бетда)

(Давоми. Боши 5-6-бетларда)

5.16. Ўқувчиларнинг турли хил фан олимпиадаларида, спорт мусобақаларида ва ижодкорлик кўриқларида эришган ютуқлари ҳам тегишли фанларнинг стандартли чораклик рейтинг балларига нисбатан фоизда ифодаланган қуйидаги тартибда ижодий баллар (ИБ) билан баҳоланади:

Ўтказиладиган	Эгаллаган ўрни					
	I	II	III	IV	V	VI
босқич						
мактабда:	10%	8%	6%	4%	2%	1%
■ туман (шаҳар)да	15%	12%	9%	6%	3%	1%
— вилоятда, Тошкент шаҳри, Қорақ. Респ.	20%	16%	12%	8%	4%	1%
■ Ўз. Респ. бўйича	25%	20%	15%	10%	5%	1%

5.17. Чорак (ярим йиллик) якунида ўқувчининг олган қўшимча (ҚБ) ва ижодий баллари (ИБ) ҳар бир ўқувчани буйича алоҳида жамланади ва қуйидаги формулада тақдим этилиши мумкин. Σ_n (ҚБ + ИБ)

Ушбу тоифадаги баллар, давлат таълим стандартлари мажбурий минимумида кўзда тутилган талабларидан ўқувчиларнинг таълим тайёргарлик даражасининг юқорилигини, ижодий қобилиятларининг ўсиш даражасини, интеллектуал эҳтиёжлари ва аниқ бир касб-хунар фаолиятига қизиқишини (мойиллигини) тавсифлайди.

5.18. Ўқувчининг чоракли ҳақиқий рейтинг балини (ЧХРБ) ҳисоблаш қуйидаги формула асосида амалга оширилади:

$$\text{ЧХРБ} = \Sigma_n (\text{ТИХБ}) + \Sigma_n (\text{ТБ}) + \Sigma_n (\text{ЭБ}) + \Sigma (\text{ҚБ} + \text{ИБ})$$

ЧХРБ ўқитувчи томонидан аниқланган, муайян фаннинг чоракли стандартли рейтинг балига нисбатан фоиз ҳисобида ифодаланган ($\text{ЧХРБ} \times 100\% : \text{СЧРБ}$) ўқувчининг таълим тайёргарлигининг ҳақиқий шахсий даражасини тавсифлайди ва чорак натижалари бўйича мазкур фандан ўқувчиларни саралайди, улар эгаллаган рейтинг ўринларини аниқлайди (5-илова).

5.19. Ўқувчининг йиллик ҳақиқий рейтинг бали (ЙХРБ) муайян ўқувчани бўйича чоракли (ярим йиллик) рейтинг балларининг йиғиндисидан сифатида аниқланади:

$$\text{ЙХРБ} = \text{Ч}_1 \text{ХРБ} + \text{Ч}_2 \text{ХРБ} + \text{Ч}_3 \text{ХРБ} + \text{Ч}_4 \text{ХРБ}$$

ЙХРБ ўқитувчи томонидан аниқланган, муайян фаннинг йиллик стандартли рейтинг балига нисбатан фоиз ҳисобида ифодаланган ($\text{ЙХРБ} \times 100\% / \text{ЙСРБ}$) ўқувчининг таълим тайёргарлигининг ҳақиқий шахсий даражасини тавсифлайди ва ўқув йили натижалари бўйича

мазкур фандан ўқувчиларни саралашда улар эгаллаган ўринларини аниқлайди (6-илова).

VI. Ўқувчиларни синфдан-синфга кўчириш ва ўрта махсус, касб-хунар ўқув муассасаларига тақсимлашни ташкил этиш тартиби.

6.1. Босқичли назорат (БН) якунларига кўра ўқувчи босқичли текширув ишининг рейтинг бали (БТИРБ) кўйилади. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомнинг 4.4. бандига мувофиқ, йиллик босқичли назоратнинг натижаларига асосан йиллик босқичли рейтингни аниқланади ва қайд этилган ҳужжатнинг 4.6. бандига мувофиқ ўқувчини синфдан-синфга кўчириш ҳақида Қарор қабул қилинади.

6.2. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомни (4.7. банди) ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги Низомни (3.1. банди)га асосан, давлат аттестацияси натижаларига кўра, мактаб битирувчиларига якуний аттестациянинг тест натижалари, ҳар бир ўқитилган таълим фани бўйича йиллик ҳақиқий рейтинг балли (ЙХРБ) ва ўқувчининг рейтинг ўрнини кўрсатган ҳолда, давлат намунасидаги шаходатнома (аттестат) топширилади.

6.3. Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълим тўғрисидаги Низомнинг 5.5. бандига асосан битирувчига шаходатнома билан бир вақтнинг ўзида ўқишни академик лицей ёки касб-хунар коллежида давом эттириш тўғрисида тавсиянома топширилади.

Мазкур тавсиянома ўқувчи рейтинг таҳлилининг натижаларини ҳисобга олган ҳолда тайёрланади.

VII. Рейтинг тизимининг норматив ва услубий қўлланмалар билан таъминланиши.

7.1. Мазкур Низом билан бир пайтда рейтингнинг меъёрий базасини қуйидагилар ташкил қилади:

■ таълим тўғрисидаги ҳужжат намуналарини тасдиқлаш, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг якуний давлат аттестациясини ташкил қилиш ва ўтказиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва улар асосида халқ таълими вазирлиги томонидан қабул қилинган буйруқлар;

■ қатъий назоратдаги ҳисобот ҳужжатлар намуналарини ва мажбурий стандартли текширув ишлари комплексларини тасдиқлаш ёки мазмунини янгилаш тўғрисидаги халқ таълими вазирлигининг қарорлари;

■ таълим бошқаруви ваколатли органларининг йиллик босқичли назоратни ўтказиши ҳақидаги буйруқ ва қарорлари;

■ умумий ўрта таълим мактаблари раҳбарларининг чоракли (ярим йиллик) босқичли назоратнинг ўтказиши ҳақидаги буйруқлари ёки педагогика кенгашининг қарорлари.

7.2. Рейтингнинг услубий-қўлланмалар таъминотини қуйидагилар ташкил қилади:

■ Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги буюртмаси асосида ишлаб чиқилган мажбурий стандартли текширув ишларининг (МСТИ) комплекслари;

■ рейтинг тизимида назоратнинг алоҳида турлари ва шакллари ташкил қилиш ҳақидаги услубий йўриқномалар;

■ қаттиқ назоратдаги мактаб ҳужжатларининг юритилиши ва ўқувчиларнинг таълим тўғрисидаги ҳужжатларининг тўлдирилиши ҳақидаги услубий тавсиянома ва йўриқномалар;

■ рейтинг тизимига асосланган мактабнинг ички назоратини ташкил қилиш ва натижаларининг таҳлилини амалга ошириш ҳақидаги услубий тавсиянома ва йўриқномалар;

■ алоҳида иш турларининг бажарилиши ҳақидаги ўқувчилар учун йўриқномалар.

VIII. Таълим жараёни қатнашчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

8.1. Ўқитувчи ўқувчиларни таълим тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича ўз ишида ушбу Низом ва айрим назорат турлари амалга оширилиши ҳақидаги услубий тавсиянома ва йўриқномаларга амал қилади.

8.2. Ўқитувчининг вазифаларига қуйидагилар қиради:

■ МСТИларни мазмуни, ўтказиш тартиби ва вақти тўғрисида ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарини олдиндан хабардор қилиш;

■ мажбурий стандартли текширув иш (МСТИ)ларини услубий тавсиянома ва йўриқномалар талабларига муносиб ўтказиш;

■ тўлдирувчи ўқитиш ва тўлдирувчи сўровни ташкил қилиш;

■ ҳар бир назорат турини амалга оширишда барча ўқувчиларга таълим фаоллигини ва тўплаган билимларини рўйбга чиқариш учун тенг шароит яратиш бериш;

■ ўқувчилар ишини, шу жумладан уларнинг иш дафтарларини ўз вақтида текшириш;

■ ўқувчиларнинг барча турдаги ишларини текширишда уларнинг ҳақиқий билим, малака ва кўникмаларини аниқ ва ҳолисона ҳисобга олиш ҳамда текширув натижаларини ўз вақтида синф журналида акс эттириш;

■ истеъдодли болаларни танлаш ва ўқитиш, ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва касбни тўғри танлашни шакллантириш учун мақсадга йўналтирувчи ишларни амалга ошириш.

8.3. Ўқитувчининг ҳуқуқлари:

■ текширув ишининг стандартли рейтинг балини сақлаган ҳолда, унинг хажми, мураккаблик даражаси ҳамда унда қамраб олинган ва текширишга мўлжалланган билим, кўникма ва малака элементлари бўйича Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган мазкур МСТИга эквивалент бўлган унинг муқобил вариантини ишлаб чиқиш;

■ ўқитувчи томонидан ишлаб чиқилган мажбурий стандартли текширув иш (МСТИ)ларнинг муқобил вариантдан уларни белгиланган тартибда тасдиқлангандан кейин фойдаланиш;

■ ҳар бир ўқувчининг билим, кўникма ва малакаларида аниқланган камчиликларни тўлдириш мақсадида тўлдирувчи сўровнинг мазмун ва педагогик мақсадга мувофиқ оптимал шакллари танлаш;

■ ҳар бир мажбурий стандартли текширув (МСТИ)дан кейин тўлдирувчи сўровни ўтказиш оптимал муддатини белгилаш;

■ мажбурий стандартли текширув ишларда кўзда тутилмаган қўшимча топшириқларнинг шакл ва мазмунини белгилаш;

■ ўқувчиларга ижодий ишларнинг рўйхатини, шакли ва мазмунини тавсия қилиш;

■ педагогика кенгаши тасдиғига ўқув фанлардан босқичли назорат ўтказиш ҳақида таклифлар киритиш;

■ ўқувчиларнинг таълим тайёргарлиги рейтингини ва ўқитиш жараёнининг ўзгартирилиши ҳақида мактаб педагогика кенгашида кўриб чиқиш учун асосланган таклифлар киритиш.

8.4. Ўқувчи мажбуриятлари:

■ мазкур фандан МСТИлар ком-

плектига киритилган ҳар бир мажбурий стандартли текширув ишни белгиланган вақтда бажариш;

■ агарда мажбурий стандартли текширув иши узрли сабабларга кўра қолдирилса, ўқувчида мазкур ишни индивидуал тарзда бажариш ва уни ўқитувчи томонидан текширилгандан сўнг тўлдирувчи сўровдан ўтишга ҳуқуқлари сақланади;

■ агарда мажбурий стандартли текширув иши узрли сабабларга кўра қолдирилса, ўқувчида мазкур ишни фақат индивидуал тарзда бажариш ҳуқуқи сақланади ва унинг натижалари тўлдирувчи баллар ҳисобида кўйилади;

■ тўлдирувчи сўров топшириқларини ўқитувчи белгиланган вақтда бажариш;

■ бажарилиши ёзма равишда мўлжалланган фанлардан мажбурий стандартли текширув ишлар ва тўлдирувчи сўровлар топшириқлари учун махсус дафтарларни юритиш;

■ ўқувчининг рейтинг дафтарчасини ўз вақтида ва тартибли тўлдириш.

8.5. Ўқувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

■ барча назорат турларининг мазмуни, тартиби, ўтказиш вақтидан хабардор бўлиш;

■ дарсларда ўзининг таълим фаоллигини жорий назорат даврида амалга ошириш;

■ мажбурий стандартли текширув ишлари таркибига кирмаган, ўқитувчи томонидан таклиф этилган ижодкорлик ишлари ва қўшимча топшириқларни танлаб олиш ва ихтиёрий равишда бажариш;

■ кўрсатилган билим, кўникма ва малакаларга мувофиқ ижодий, қўшимча ва эркин баллар олиш.

8.6. Ўқувчиларнинг ота-оналари ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар мажбурий:

■ ўқувчининг «рейтинг дафтарчаси»ни ўз вақтида тўлдирилишини назорат қилиш;

■ ўқувчиларнинг ҳар хил «назорат турлари»га тайёрланиши учун керакли шароит яратиш бериш; ва қуйидаги ҳуқуқларга эга:

■ рейтинг мазмуни, бажарилиш тартиби ва натижалари ҳақида мунтазам ва тўлиқ маълумот олиш;

■ ўқувчининг таълим тайёргарлик жараёнини такомиллаштириш ва унинг йўналишини ўзгартириш (коррекциялаш) масалалари бўйича педагогик жиҳатдан асосланган тавсия ва маслаҳатлар олиш;

■ ўқувчининг чоракли (ярим йиллик) рейтинг балини мазкур фандан стандарт даражасига етказиш мақсадида унинг таълим тайёргарлиги даражаси устидан индивидуал босқичли назорат ўтказишни мактаб маъмуриятидан расмий илтимос қилиш.

1-илова

Умумий ўрта таълим мактабининг 8-синф ўқувчилари учун биология фанидан 5-мажбурий стандарт текширув иши (МСТИ-5).

«Ҳашоратлар синфининг кўптурлилиги» мавзусидаги комплекс назорат иши. Мақсад: «Ҳашоротлар синфи ва унинг кўп турлилиги мавзуси бўйича ўқувчиларнинг билимини аниқлаш, текшириш.

Ушбу бўйича стандарт рейтинг бали — 27 баллга тенг.

Ишда текшириладиган билим, кўникма ва малакалар асосий элементларининг рўйхати:

1. Синфга мансуб бўлган белгиларни ажрата билиш:

а) қисқичбақасимонлар — 16.

б) ўргимчаксимонлар — 16.

в) ҳашаротлар — 16.

2. Ҳайвоннинг номи бўйича унинг ҳашарот синфининг қайси аниқ туркумига тегишли эканлигини аниқлай билиш:

а) Чигиртка ва темирчак тўғри-қанотлилар туркумига қиради — 26.

б) сувда сузувчи кўнғиз ва хонқизи қаттиқ қанотлиларга қиради — 26.

в) тут ипак қурти ва қичитқи ўт капалаги тангача қанотлиларга қиради — 26.

г) уй пашшаси, сўна, чивинлар икки қанотлиларга қиради — 26.

д) асалари ва яйдоқчилар пардақанотлиларга қиради — 26.

3. Тўлиқ ўзгариш билан ривожланадиган ҳашаротларнинг номла-

рини айта билиш (Сувда сузувчи кўнғиз, уй пашшаси, тут ипак қурти, қичитқи ўт капалаги ва б.) — 16.

4. Чала ўзгариш билан ривожланадиган ҳашаротлар номини билиш (чигиртка, темирчак) — 16.

5. Қуйидаги ҳашаротлар туркумининг энг асосий белгиларидан қанотлар сони ҳамда тузилиш хусусиятини айта билиш:

а) тўғри қанотлилар — 16.

б) икки қанотлилар — 16.

в) тангачақанотлилар — 16.

г) қаттиқ қанотлилар — 16.

6. Май кўнғизи личинкаси ҳаётининг 1 йили давомида нима билан озикланади? — 16.

7. Хона пашшасининг таъм билиш органи жойлашиши хусусияти — 16.

8. Йирик сўналарнинг озикланиш хусусияти — 16.

9. Қизил китобга киритилган кам учрайдиган, ноёб ҳашаротлар — 16.

10. Шоҳсимон думлилар личинкасининг озикланиш хусусияти — 16.

11. Табиатда гўрков кўнғизининг аҳамияти — 16.

12. Қишлоқ хўжалигида зарарку-нандалар билан курашишнинг биологик усулини билиш — 16.

Стандарт рейтинг бали — 27 балл.

27 элемент бор.

Назорат иш топшириқларнинг матни:

1. А1 Б2 В бандларида кўрсатилган бўғимоёқлилар типидagi туркумда белгиларнинг қайсиси ортқича?

А. 1. Оддий кўзлар.

Б. 2. 5-йуфт юриш оёғи

В. 3. мўйлов.

Г. 4. тўрсимон сўнал.

Д. 5. ўпка халталари.

Б. 1. Мураккаб кўз.

2. Қанотлар.

3. Трахейлар.

4.5 жуфт юриш оёғи

5. мўйлов.

В. 1. Мўйлов.

2. Бошқўрак.

3. Жабралар.

4. Қисқичлар.

5. Қанотлар.

2. Номлари берилган ҳашаротларни гуруҳларга ажратиш:

а) аниқ туркумга кириши бўйича,

б) ривожланиш типи (тўлиқ ва чала ўзгариш билан ривожланиш) бўйича;

1. Чигиртка.

2. Сувда сузувчи кўнғиз.

3. Чивин.

4. Хонқизи.

5. Темирчак.

6. Уй пашшаси.

3. Расмга қараб бу қанотлар қайси ҳашаротга тегишли эканлигини аниқланг, жавоб бериш учун расмдан ҳарфларни кўрсатиб, уларга тегишли туркумни ёза билишимиз керак.

а)  б)  в)  г) 

4. Тўғри жавобни топинг (жавоб-и 1 варианты).

1. Май кўнғизининг личинкаси ўз ҳаётининг 1-йили давомида нима билан озикланади:

а) ўтсимон ўсимликларнинг илдизи билан

б) бута ва дарактларнинг илдизи билан

в) чиқиндилар билан

г) ўтсимон ўсимликлар ва бута илдизи билан

д) чиқинди ва даракт илдизи билан

2. Қайси ҳашаротнинг олдинги оёғида таъм билиш органи жойлашган:

а) уй пашшаси

б) сўна

в) хўкиз сўнаси

г) чивин

д) товус кўз капалак

3. Ҳашарот синфининг қайси вакилида етилган гўмбаг ҳеч нарса билан озикланмайди? (жавобни 2-саволдан топинг).

(Давоми 10-бетда)

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМИ

Улуғ ва муқаддас истиқлолимиз берган неъматлару ато этган рўшноликларни бугун санаб адоғига етиб бўлмайди. Мустақиллигимиз куёш янглиг юртимизга ўз зиёсини сочиб турган шу фарахбахш кунларда халқ таълими тизими ҳам ўзининг ҳақиқий истиқбол йўлига чиқиб олди. Мазкур йўл бизни жаҳон андозалари даражасида таълимни ташкил этиш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказиш сари чорламоқда.

Мамлакатимиз халқ таълими ходимлари фаолиятида асосий дастуриламал ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" айтиш мумкинки, бугун жаҳон аҳли тан олаётган ривожланишнинг ўзбек моделининг асосий негизларидан биридир.

Вилоятимиз муаллим ва мураббийлари эришган натижалар, ўқувчилар билим даражасининг ўсиши, мамлакат миқёсида "андижонча таълим" деган иборанинг пайдо бўлиши, энг аввало, истиқлол шарофати бўлса, шу билан бирга соҳа вакилларининг фидойиликларини туйғулади.

Бугун вилоятимиз халқ таълими тизимида эришилаётган муваффақиятлар, келажагимиз эгалари бўлган фарзандларимизни эл-юрт қорига ҳамиша шай, билимдон, маънавий жиҳатдан етук инсонлар қилиб тарбиялаш борасидаги ютуқларимизни таҳлил этиб, мустақиллигимиз том маънода ажодларимиз орзу ва умидларининг ҳақиқий рўёби эканлигини чин дилдан ҳис этиб турибмиз.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, "Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир". Шундай авлодни тарбиялаб вояга етказиш эса биз маорифчиларнинг муқаддас бурчимиздир.

Бугун Андижон вилояти халқ таълими тизимида зиммасидаги ўша муқаддас вазифани сикдикдилдан адо этиш учун 36272 нафар муаллим, мураббий ва тарбиячилар меҳнат қилмоқдалар.

Мана бу йил "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг биринчи босқичи ниҳоясига етди. Мазкур босқич таълим тизимида сифат ва самарадорлик мезонларига асос солди. Давлат таълим стандартларининг жорий этилиши эса, тизимда аниқ йўналишларни белгилаб берди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мактабгача таълим

давлат талавлари, умумий урта таълимдаги жараёнлар эса Давлат таълим стандартлари асосида ташкил этилиб, дастлабки муваффақиятларга эришилди. Жумладан, мактабгача тарбия йўналишида таълим-тарбия боланинг иқтидор ва қобилияти билан ҳисоблашишга асосланган янги ёндашув шаклланди. Бугун вилоятда спорт ва соғломлаштириш, чет тилларини ўрга-

ми тажриба-синовдан утказилиши таълим сифати ва самарадорлигини тубдан яхшилаш имконини бермоқда. Бу соҳада республика тажриба-синов майдони ҳисобланган Жалақудук туманидаги 18, Избоскан туманидаги 11-мактаблар экспериментатор ўқитувчиларининг ижодий изланишлари самарали бўлмоқда.

Зиммамизда баркамол авлод-

ганлигидан далолат беради.

Вилоятда кейинги йилларда ташкил қилинган янги турдаги таълим муассасалари ҳозирда салмоқли натижаларни қўлга киритмоқда. Биргина 1999—2000 ўқув йили натижаларини кўздан кечирадиган бўлсак, ушбу йилда янги турдаги таълим муассасалари битирувчиларининг 88 фоизи олий ўқув юрталарига қабул қилинди.

сида узаро ҳамкорлик иулга қўйилди.

Вилоятимиз таълим муассасаларини замонавий информацион технологиялар билан таъминлаш шу куннинг долзарб вазифаларидандир. 2001 йилда 65 миллион сўмлик 5 та компьютер синфлар жамланмаси олиниб, Балиқчи туманидаги 39, Жалақудук туманидаги 18, Қўрғонтепа туманидаги 13-мактабларга ҳамда Хўжаобод туманидаги 21, Бўз туманидаги 13-ихтисослашган мактабларга берилди.

Вилоят ҳокимлиги вилоятдаги ўқув муассасаларини янги ўқув йилига пухта тайёрлаш мақсадида вилоятда "Наврўз" шанбалигини ўтказиш ва шанбаликдан тушган маблағни таълим масканларини таъмирлашга сарфлаш борасида қарор қабул қилганди. Натижада 36 миллион 600 минг сўм маблағ таълим муассасалари ҳисобига ўтказилиб, таъмирлаш учун сарфланди. Шунингдек, вилоят халқ таълими тизимини моддий-техник негизини янада такомиллаштириш мақсадида вилоят ҳокимининг "Вилоятда умумий ўрта таълим муассасалари ўқув ва моддий-техника базасини такомиллаштириш

АЖДОДЛАР
ОРЗУ-УМИДЛАРИ
РЎЁБИ

тиш, илк иқтисодий таълим йўналишидаги болалар боғчалари, боғча-мактаб мажмуалари фаолият олиб бормоқда. Ҳозирги кунда "Учинчи минг йилликнинг боласи" дастури кўплаб мактабгача таълим масканларида синовдан ўтказилмоқда. Шунингдек, болалар боғчаларини хусусийлаштириш борасида ҳам дастлабки қадамлар қўйилди.

Умумтаълим мактабларининг ўқув дастурларини ислоҳ қилиш, 9 йиллик умумий ўрта таълимни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, унинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвий боғлиқлигини таъминлашда вилоятимиз маорифчилари фаол иштирок этмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 203-сонли қарорини вилоятимизда бажарилишини таъминлаш мақсадида дастур ва дарсликларни синовдан ўтказиш бўйича битта республика, 22 та вилоят тажриба-синов майдонлари ташкил этилди. "Давлат ва ҳуқуқ асослари" фанидан янги дарслик ва дастур Андижон шаҳридаги 27-ўрта мактабда тажриба-синовдан ўтказилди ва муваффақиятли якунланди. Айни пайтда мазкур мактабда синовдан ўтказилган 8-синф "Давлат ва ҳуқуқ асослари" дарслиги республикамиз мактабларида ўқитилмоқда. Шунингдек, вилоят тажриба-синов майдонлари бўйича 22 та фан ва 18 та мактабгача тарбия муассасаларида умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари асосида яратилаётган ўқув дастурлари тажриба-синовдан ўтказилди.

Таълим жараёнига давлат таълим стандартлари ва янги педагогик технологияларни изчил равишда жорий этилиши, ўқувчиларнинг билим даражаларини назорат қилишнинг (кўпбаллик) рейтинг тизи-

ни вояга етказишдек масъулиятли вазифа турар экан, таълимдаги жараёнларнинг барчаси ана шу мақсадга қаратилмоғи лозим. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари халқ таълими бўлимлари қошида ташкил этилган "Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва педагогик-психологик таххис марказлари" ҳам ўз фаолиятларини шу мақсадга йўналтирган. Мазкур марказлар мутахассислари болалар иқтидорини илк ёшидан аниқлашга, улардаги алоҳида қобилият куртакларини ривожлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Соҳа мутахассисларининг фаолияти республикада алоҳида эътироф этилиб, шу йилнинг апрель ойида Андижонда "Тиббий таххисда касаллиги аниқланган 6 ёшли болаларни соғломлаштиришнинг ташкилий-методик асослари" мавзусида республика семинари ўтказилди.

Таълим тизимида яна бир соҳа борки, уни таълимнинг чинакам кўзгуси дейиш мумкин. Давлат таълим стандартлари мониторинги ҳозир худди шу вазифани бажармоқда. Ўтган йили мамлакат миқёсида "Давлат таълим стандартлари мониторингини олиб бориш: муаммолар, изланишлар, ечимлар" мавзусида семинар-кенгаш ўтказилди ва бу соҳада вилоятимиздаги ибратли ишлар кенг тарғиб қилинди.

Халқ таълими ривожига ҳамда ўқувчилар билим даражасининг юқори бўлишида тажрибали, ўз ишининг усталари бўлган педагог кадрларнинг роли беқиёсдир. Албатта, яхши муаллим, фидойи мураббий ўз ўзидан пайдо бўлмайди. Уларга эътибор, малака ва тажрибаларини мунтазам оширишларига шароит зарур. Вилоят ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти жамоаси айни пайтда Андижон Давлат университети ҳамда Андижон Давлат чет тиллар педагогика институти жамоаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Малака оширишнинг ўқитувчилар учун қулай, қисқа муддатли ҳамда сайёр усуллари билан фойдаланилаётганлиги, етишмаётган мутахассисларни шартнома асосида тайёрлаш бу ерда ишга ижодий ёндашилаёт-

кўрсаткич бўйича вилоятимиз республикамизда 2-ўринни эгаллаган.

Истиқлол шарофати билан халқ таълими тизимида халқаро ҳамкорлик ҳам кучайиб бормоқда. Шу йилнинг бошида икита мактабимиз Япония давлатининг беғараз ёрдам кўрсатиш дастурига мувофиқ ўқув ва спорт анжомлари, компьютер техникаси билан таъминланди. Бу ҳамкорлик давом эттирилиб, келгусида яна 8 та таълим муассасасига ёрдам кўрсатиш борасида Япония давлатининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан музокара олиб борилмоқда.

Халқаро ЮНЕСКО бирлашган мактаблари таркибига кирган Избоскан туманидаги 12-мактаб мазкур нуфузли ташкилот билан доимий ҳамкорликда ишлаб келмоқда. Янги ўқув йили арафасида мактаб жамоаси ЮНЕСКОнинг 4 дона компьютери, телевизор, магнитофон ва бошқа ўқув ва услубий қўлланмаларини олишга эришди. Избоскан ва Булоқбоши туманидаги француз тили ўқитиладиган мактаблар Франция давлатининг мамлакатимиздаги элчихонаси билан доимий ҳамкорлик қилиб келишяпти.

Иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва АҚШга бир йиллик ўқишга (америкаликлар оилаларида яшаш шароити билан) юбориш бўйича АҚШнинг АК-СЕЛС ташкилоти билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. 1993-2001 йиллар давомида 28 нафар ўқувчи инглиз тили бўйича олган билимларини АҚШда мустаҳкамлаб қайтди.

Шунингдек, "Тинчлик корпуси", Очиқ жамият институти "СОРОС" жамғармаси, Франция, Германия, Буюк Британия, Исроил, Япония давлатлари элчихоналари билан ҳуқуқий ва иқтисодий таълимни такомиллаштириш, дарслик ва ўқув қўлланмаларини яратиш соҳа-



тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ихроси вилоятимиз таълим тизимини келажақда жаҳон андозалари даражасида ривожлантиришга қаратилган.

Вилоят халқ таълими тизими олдида турган айрим муаммолар борки, уларни бартараф этмай туриб иш ривожига эришиб бўлмайди. Вилоятимиздаги аксарият мактабларимизда дарслар икки сменада олиб борилиши ўқувчиларнинг дарсдан кейинги вақтларини мазмунли ўтказиш, тўғрақ машғулотларида тўла иштирок этишларини таъминлашга мונהлик қилар эди. Вилоят ҳокимлиги ёрдами, саховатли тадбиркорлар, туман ҳокимликлари, ширкат ва жамоа хўжалиқларининг саъй-ҳаракатлари билан жорий йилнинг ўзида 10 та мактаб қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу 4000 дан ортиқ ўқувчиларни фойдали машғулотлар билан шуғулланишлари имкон яратди.

Аждодларимизнинг сўнмаган умиди — истиқлол элимизнинг ҳақиқий истиқбол, рўё ва мустақам ишонч йўлидир. Таълим тизими эса, эл-юрт ишонган, суянган йўлдан одимлайверади.

Т.МИРЗАЕВ,
Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи



МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА



Сўз — “Йил ўқитувчиси—2001” кўрик-танлови
голибига

Халқ таълими тизимидаги бугунги ижобий ўзгаришлар, муаллим ва мураббийларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар биз халқ таълими ходимларидан изланиб, ижодкорлик билан ишлашни тақозо этмоқда. Менимча, буни ҳар бир муаллим дилдан ҳис этмоғи, зиммасидаги фарзанд камолотига масъуллик вазифасини чуқур англамоғи лозим.

Болаларни ўқита бошлаганимга 18 йил бўлди. Шу даврда минглаб беғубор болалар билан бирга эканлигимдан, мен ўқитган ўқувчилардан бугун ажойиб инсонлар етишиб чиқаётганлигидан фахрланаман.

ИШЛАЙДИГАН ДАВР

Зеро, ўз касбингни севмасанг, болалар билан диллаша олмасанг муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Болалигимданок ўқитувчи бўлишни орзу қилардим. Шу туйғу мени Андижон муаллимлар билим юртига етаклади. Билим юрти муваффақиятли тамомлаб, Жалакудук туманидаги 1-ўрта мактабга ишга келдим. Софийахон Йўлдошева, Матлубахон Абдуллаева ва Ҳамидахон Содиқова каби устоз муаллимлардан ишнинг сир-асрорларини ўргандим.

Ишдан ажралмаган ҳолда Андижон Давлат педагогика институтига кириб, уни 1989 йилда тамомладим. 1996 йили туманимиз марказида ихтисослашган мактаб-интернат очилгач, мени шу масканга ишга тақлиф этишди.

Жамоамиз жуда аҳил. Ҳамма муаллимлар ҳамжиҳатликда ишлайди. Шунинг учун ишимизда муваффақиятлар кўпайиб бормоқда. Айниқса “Йил ўқитувчиси” танловининг туман ва вилоят босқичларида қатнашимизда жамоамиз аъзолари жуда катта ёрдам бердилар. Танловнинг мазкур босқичларида голиб чиқиб, жамоамиз, умуман туманимиз муаллимларининг ишончини оқлашга эришдим.

“Йил ўқитувчиси” республика танловида иштирок этишим фалоятимда катта из қолдирди. Танловда фахрли 3-ўринни эгаллаб вилоятимиз халқ таълими ходимлари шаънини муносиб ҳимоя қилганимдан бошим кўкка етди.

Мустақиллигимизнинг ҳар бир куни шуқуҳ ва фаҳрга тўла, минг бир янгилик билан ўтмоқда. Бугун нечоғли самарали ишласак, фарзандларимизни баркамол вояга етказсак истиқлолимизни мустаҳкамлашга шунчалик ҳисса кўшган бўлаемиз.

Дилором МАЛЛОБОВА,
Жалакудук туманидаги 23-ихтисослашган
мактаб-интернат муаллими

ИЖАРА УСУЛИДАН МАМНУНМИЗ

Мамлакатимиздаги халқ таълими тизимини ривожлантириш борасидаги ғамхўрликлар, айниқса серфарзанд оилаларни хурсанд қилмоқда. Янги ўқув йили бошланиши арафасида туманимиз мактабларида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашнинг ижара усули қўлланилиши айтиш мумкинки, ота-оналар учун катта ёрдам бўлди.

Менинг учта фарзандим Кўрғонтепа туманидаги 15-ўрта мактабда таҳсил олади. Уларни дарсликлар билан таъминлашда ҳар йили анча қийналар эдим. Дарсликларни чекка туманларга етиб келиши қийин кечар, бунинг устига чиқарилаётган дарсликлардаги хилма-хиллик ота-оналарни ўйлантиради.

Ижара усулини қўлланилиши шундай муаммоларга чек қўйди. Мен биринчилар қатори мактаб раҳбарияти билан шартнома тузиб, туман “Пахтабанк”ка етарли маблағни тўлагач, фарзандларимнинг ҳаммасига тўлиқ дарсликларни олдим.

Рўзибой ЮНУСОВ
Кўрғонтепа туманидаги
“Кўштепа” ширкат
хўжалиги ишчиси

Ўз билими, ижодкорлиги, ёшларга хос ғайрат-шижоати билан шуҳрат топаётган Андижон халқ таълими тизимининг ёрқин юлдузларидан бири Жамила Сотқиновадир.

ZULFIYA MUKOFOTI SOVRINDORI

Жамила мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ урду тилига қизиқар, шу тилни мукаммал ўрганишга интилар эди. 1993 йили урду тили фани бўйича республика олимпиадасида қатнашиб, фахрли 1-ўринни эгаллади ҳамда шу йили Тошкент Давлат шарқшунослик институтига имтиёзли қабул қилинди.

Талабаликнинг ҳар бир куни Жамила учун изланиш ва чуқур мутолаа билан ўтди. У дарсларни пухта ўзлаштириш билан жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. 1996 йили республика талабалар олимпиадасида иштирок этган Жамилага омад яна кулиб боқди. У олимпиаданинг барча босқичларида муваффақиятли иштирок этиб голибликни эгаллади ва биринчи даражали диплом билан тақдирланди.

1996-97 йилларда Жамила ўқишдан ажралмаган ҳолда Ўзбекистон радиосининг Осиё бош муҳарририятининг урду тилида-

ШАРАФЛИ МАСЪУЛИЯТ

ги эшиттиришлар бўлимида дастурловчи муҳаррир бўлиб ишлади. У урду тилида сўзлашувчи мамлакатлар учун тайёрланаётган эшиттиришлар орқали мустақил Ўзбекистонимиз, унинг меҳнаткаш ва меҳмондўст халқи, мустақиллик йилларида мамлакатимизда олиб борилаётган буюк бунёдкорлик ишлари ҳақида атофлича маълумот беришга ўз ҳиссасини қўшди.

1997 йилдан 1998 йилгача Ҳиндистон Республикасининг Жамиқ Милли Исломия (Муслим университети)нинг санъат магистратурасида таҳсил олди. 1998 йилнинг 28 мартида Ҳиндистоннинг Саккау шаҳрида бўлиб ўтган халқаро адабиётчилар семинарида Ўзбекистон вакили сифатида маъруза билан иштирок этди.

Хуллас, Жамиланинг фаоллиги, ўз устида тинмай ишлаши, таҳсил даврининг ҳар бир дақиқасини бесамар ўтказмаслиги унга омад калитини ҳада этди. 1998 йили Шарқшунослик институтини имтиёзли тамомлаб, Избоскан туманидаги 6-ихтисослашган мактаб-интернатда урду тили ўқитувчиси бўлиб ишлаб келмоқда.

— 2000 йили ҳаётимдаги энг унутилмас йил бўлиб қолади, — дейди Ж.Сотқинова. — Чунки шу йили Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлдим. Ҳаётда эришган озми-кўпми муваффақиятларим шундай улуғ шарафга муносиб кўрилганидан ниҳоятда қувондим. Мазкур мукофотни бир умрли шарафли масъулият деб биламан. Фарзандларимизни баркамол вояга етказиш йўлида астойдил ишлаб бу қарзни узишга интиламан. Шунингдек, мазкур мукофот биз ёшларни Ватанга муносиб фарзанд бўлиш, истиқлолимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш, унинг хизматидаги ҳамиша шай туришга ундовчи мангу даъватдир.

М.БОЗОРОВА

МЕН АНГЛАГАН ҲАҚИҚАТ

1996 йили Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари ассоциациясига аъзо бўлишим педагогик фаолиятимда янги бир бурилиш ясади. Мен Очқ жамият институти ва Тинчлик корпуси томонидан ташкил этилган семинарларда бир неча бор иштирок этдим ва жаҳон тан олган тил ўргатиш усулларини қандай қўллаш йўлларини ўргандим.

1998 йилда республика Халқ таълими вазирлиги ва АҚШнинг АКСЕЛС ташкилоти билан ҳамкорликда Америка элчихонаси ва Америка ахборот хизмати ҳомийлигида ўтказилган “Ўқитишда аълочилик” дастури бўйича мактаб ўқитувчилари ўртасидаги уч босқичли танловда иштирок этдим. Танлов голибларидан бири сифатида АҚШда бўлдим.

АКСЕЛС ташкилоти мени 2000 АҚШ доллари миқдорига компьютер ва 200 АҚШ доллари миқдоридagi ўқув адабиётлари билан мукофотлади. 2000 йилда Британия кенгаши ва рес-

публика Халқ таълими вазирлиги ҳамкорликда Осиё ривожланиш банки ҳомийлигида “Самарали таълим нима ва замонавий дарслик қандай бўлиши керак?” мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Бир ҳафталик умумий семинардан сўнг чет эллик экспертлар ва маслак яратувчи янги дарслик яратувчи муаллифларни вазирлик вакиллари билан биргаликда саралаб олдилар. Мен ҳам инглиз тили дарслигини яратувчи муаллифлардан бири бўлиб танландим. Ҳозирги кунда 6-синф дарслиги устида ишляпман.

Мен бир ҳақиқатни англаб етдим. Бугун бажараётган ҳар бир ишимда ҳоҳ у дарс ўтиш бўлсин дарслик яратиш бўлсин, мен фидойи бўлишим керак. Зеро биз ўз келажагимизни яратмоқдамиз.

**Махфиратхон
АБДУЛЛАЕВА,**
Булоқбоши
туманидаги
10-гимназия
инглиз тили
ўқитувчиси



ТЎГАРАКЛАР — КАСБ-ҲУНАРГА ЕТАКЛАР

Фарзандларимиз тарбиясида, уларни келажақда етук инсонлар қилиб вояга етказишда мактабдан ташқари муассасалар ходимлари зиммасига ҳам катта вазифалар юклатилган. Марказимиз ва унинг туман, шаҳарлардаги шахобчаларида 40 та йўналиш бўйича 233 та гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Уларда 3 мингдан зиёд ўқувчилар бўш вақтларида турли касб ва ҳунарларнинг дастлабки кўникмаларини эгалламоқдалар.

Ана шу тўғарақлардаги машғулотларни фан номзодлари, олий тоифали ўқитувчилар, юқори малакали ишлаб чиқариш усталари олиб бормоқдалар. Улардан иқтисод фанлари номзоди Г.Бозорова, халқ таълими фидойилари И.Волгин, Н.Ҳақимзянов, Ю.Темирбоевларни айтиб ўтиш мумкин.

Ўқувчилар ва устозларнинг қилган ишлари самараси вилоят ва республика кўрик-танловлари ва мусобақаларида кўринади. Ўқувчиларимиз ҳар йили ана шу анжуманларда иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Биргина шу йилнинг ўзини олиб қарайдиган бўлсак, бизнинг вакилларимиз иқтидорли болалар республика слётида юқори натижаларга эришиб диплом ва қимматбаҳо совринларни қўлга киритдилар.

Кино-фото йўналиши бўйича Отабек Мадиев, Солижон Қаримов, Фазлидин Пайтиқов ва Улуғбек Ҳожимуроодов каби ўқувчилар совринли ўринларни қўлга киритдилар.

Шаҳрихонлик Азмидин Имяминов томонидан ихтиро қилинган автомобиллардан чиқаётган газни камайитириш мосламаси республика иқтидорли болалар слётида энг яхши ишлардан бири, деб баҳоланди.

УЗУККА КЎЗ

Бу йилги ўқитувчилар ва мураббийлар кунини Улуғнор тумани Амир Темур номидаги 17-мактаб жамоаси ҳамда ўқувчилари кўтаринки кайфиятда, хурсандчилик билан кутиб олдилар.

Мактаб биноси 1977 йили тумандаги М.Иминов номи ширкат хўжалиги томонидан қурилган бўлиб, 1990 йилгача мазкур бинода ҳунар-техника билим юрти фаолият кўрсатган. 1990 йилда бино мазкур мактабга берилган. 2001 йилгача мактабда капитал таъмирлаш ўтказилмаганлиги тўғрисида бино ярқосиз ҳолга келиб қолганди.

Мактабга Япония давлатининг бегараз ёрдами берилди. Кунчиқар мамлакатнинг мактабга ёрдами муносабати билан 2000-2001 ўқув йилининг 3-, 4-чорақларида ўқув масканида мукаммал таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Туман ҳокими раҳбарлигида таъмирлаш ишлари кеча-кундуз ташкил этилди. Нати-

жада 40 кун деғанда мактаб тўла таъмирдан чиқарилди. Бу савобли ишга М.Иминов номи ширкат хўжалиги 3,5 млн. сўм, “Интеграл-Леон” курилиш фирмаси 7,5 млн. сўм, К.Мўминов номи кооператив 50 минг сўм, “Замондош” кооперативи 25 минг сўм, ота-оналар 53 минг, ўқитувчи-ходимлар 175 минг сўмлик ҳиссаларини қўшдилар.

Шу йилнинг 1 май куни бино фойдаланишга топширилди. Худди шу кундан бошлаб Япония давлати томонидан миқдори 15 минг 800 АҚШ долларига тенг ўқув жиҳозлари келтирилиб, махсус мутахассислар томонидан мактабга ўрнатилди.

Сифатли, таъмирланган бинога замонавий ўқув жиҳозларининг ўрнатилиши худди узукка кўз қўйгандек бўлди. Айни кунда мактабда 682 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда. Уларга 45 нафар муаллимлар сабоқ бермоқдалар.

Д.САТТАРОВА,
ВХТБ маркетинг
бўлими мутахассиси

(Давоми. Боши 5-6-7-бетларда)

4. Берилган ҳашаротларнинг қайсиси ноёб ҳисобланиб Қизил китобига киритилган:
 а) садаф рангли капалак, карам оқ капалаги, тўкли қоқоқари;
 б) катта товланувчи капалак, аполлон, тўкли қоқоқари, колорадо кўнғизи;
 в) қора чигиртка, садаф ранг капалак, колорадо кўнғизи, тўкли қоқоқари;
 г) садаф рангли капалак, тўкли қоқоқ-ари, аполлон, поликсена капалаги.

5. Шохсимон думлиларнинг личинкаси нима билан озикланади?
 а) дарахт игнабарги билан
 б) терак барги билан
 в) ёғоч билан
 г) чинор барги билан
 6. Қуйидаги саволларга қисқача жавоб беринг:
 а) табиатда гўрков кўнғизларнинг ахамияти қандай?
 б) Европа ҳудудларида колорадо кўнғизининг тезкорлик билан тарқалиб кетишининг сабаби нимада?

КЎШИМЧА ТОПШИРИК
 (Кўшимча рейтинг бали 9 балл)
 Ушбу топшириқда қуйидаги билим, кўникма ва элементлар текширилади.
 Ўқувчилар кундузги ва тунги капалаклар мисолида ҳашаротларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қандай билимга эга эканликларини кўрсатишлари керак:
 ЯЪНИ
 А. Кундузги ҳаёт кечирадиган капалаклар.
 1. Ярқираган рангли 16.
 2. Тўноғич муйловли 16.
 3. Перпендикуляр равишда тахланадиган қанотлар 16.

4. Тик қомак 16.
 Б. Тунги ҳаёт кечирадиган капалаклар.
 1. Хира рангли 16.
 2. Тўкли муйлов 16.
 3. Йирик қоринли 16.
 4. Қанотлари тангага нисбатан параллел равишда тахланадиган 16.
 5. Тук билан қопланган тана 16.
 Капалаклар тунги ва кундузги ҳаёт кечирадилар.
 Бу икки гуруҳга мансуб ҳашаротларни ташқи белгиларига қараб ажратиш мумкинми?
 Жавобни мисоллар билан келтиринг.

2-илова

8-синфда биология фанидан I-чорак учун стандартли рейтинг балларини ҳисоблаш жадвали (ҳафтасига 2 соат, чоракда 18 соат)

	МСТИ ₁	МСТИ ₂	МСТИ ₃	МСТИ ₄	МСТИ ₅	МСТИ ₆	Чорак як. Сч, РБ
Мажбурий стандартли текширув ишларини ўтказиш муддати	3-дарсда	5-дарсгача	5-дарсда	9-дарсда	14-дарсда	16-дарсда	
МСТИ ўтказиш шакли	дастурлаштирилган диктант	жадвал	лаборатория иши	тест синови	комплекс-лекслари	лаборатория назорат иши	—
Ишнинг ўқувчилар томонидан бажарилишига белгиланган вақти	20 дақиқа	уйга вазифа	45 дақиқа	20 дақиқа	45 дақиқа	45 дақиқа	—
Ишда текшириш лозим бўлган билим, кўникма ва малака элементлари сони	20	15	17	16	27	22	117
Текширув ишнинг стандарт бали (ТСИБ)	20	20	16	17	19	27	26 125
Юқори мураккабли қўшимча топшириқларни бажарганлиги учун қўшимча баллар (ҚБ)	—	7	3	4	9	3	26

Дастур материалларининг таҳлили шуни кўрсатадики, 8-синфда биологиядан I чорак учун 117 асосий билим, кўникма ва малака элементлари мавжуд.
 Стандартли чоракли рейтинг бали 117 та асосий билим, кўникма ва малака элементларига мос келган ҳолда қуйилиб, рейтинг бали 125 тага тенг.
 Мажбурий стандартли текширув ишларининг шакллари ўқувчиларнинг ёшини инобат-

га олган ҳолда аниқланиб, текширилиши лозим бўлган барча билим, кўникма ва малака элементларини қамраб олган. Мазкур ишларни бажарилишида ўқувчиларга оптимал керакли вақт белгиланган.

МСТИлар таркибида кўзда тутилган қўшимча топшириқларни бажарилиши учун берилган қўшимча баллар (27 балл) синф журналнинг алоҳида катагига қуйилади.

3-илова

8-синфда биология фанидан йиллик стандартли рейтинг балининг (ЙСРБ) ҳисобот жадвали (ҳафтасига 2 соат, чоракда 68 соат)

	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак	ЙСРБ
МСТИларнинг чораклардаги сони	6	4	6	3	жами 19МСТИ
Ҳар бир чоракда текширилиши лозим бўлган Б.К.М. элементлар сони	117	80	120	63	жами 380 элемент
Чораклар бўйича стандартли рейтинг баллари	125	90	130	66	жами 410 балл
МСТИлар комплектида кўзда тутилган қўшимча топшириқларни бажарганлиги учун қўшимча баллар (ҚБ)	26	17	18	10	жами 71 балл

Дастур материалларининг таҳлили шуни кўрсатадики, 8-синфда биологиядан бир ўқув йилида ўқувчи томонидан 380 та асосий билим, кўникма ва малака элементлари ўзлаштирилиши керак.
 Ўқувчиларнинг бу элементлари ўзлаштирилганликларини 19 та МСТИнинг бажарилиши даврида аниқланади. Улардан: 4 та лаборатория ишлари, дастурлаштирилган диктант,

тест синовлари, комплекс контрол ишлар ва жадваллар.

Йиллик стандартли рейтинг бали (ЙСРБ) ўқувчиларнинг бир ўқув йилида ўзлаштирилиши керак бўлган 380 та асосий мажбурий элементга ҳамда билим, кўникма ва малака сифатига мос келган ҳолда қуйилиб, 410 рейтинг балига тенг.

5-илова

Ўқув режадаги алоҳида олинган фан бўйича чоракдаги рейтинг балларини сарҳисоб қилиш ва компонентларини ҳисобга олишини ташкил этиш

ОЙ	сентябрь						октябрь						ноябрь				1 чорак якунлари					Ўқувчининг рейтинг ўрни							
	сана	3	5	7	унинчи	12	14	26	28	2	4	6	17	20	22	25	2	4	Σ (ТЛХБ)	Σ (ТБ)	Σ (ЭБ)		Σ (ҚБ+ИБ)	СЧРБ	СРБга нисбатан %				
Рейтинг балининг компоненти					КБ	ТБ						КБ	ТБ						Σ (ТЛХБ)	Σ (ТБ)	Σ (ЭБ)	Σ (ҚБ+ИБ)	СЧРБ	СРБга нисбатан %					
Ўқувчининг исми, шарифи					КБ	ТБ						КБ	ТБ						Σ (ТЛХБ)	Σ (ТБ)	Σ (ЭБ)	Σ (ҚБ+ИБ)	СЧРБ	СРБга нисбатан %					
1 Бакиева Гульнора		3		4	16	4	2	1				14	3	0	6	3	4	25	1	2	7		65	8	11	21	95	151%	2
2 Вахидов Захриддин		0	1		14	4	2	1				13	1	1	0	2	2	20	4			6	47	15	7	2	71	113%	4
3 Пак Ирина		3			16	3	0	1				16	0	1				24	0	1		4	54	7	6		67	106%	5
4 Самсонов Никита			2	7	20		3				6	17		3	6			26		2	7		63		10	26	99	157%	1
5 Пулатходжаева Умида		3			16	3		3				16	2		4			26	1		5	1	56	7	6	17	86	136%	3
6 Хамраев Руслан		0	1		17	0	2		0			12	4		1			19				5	29	28	4		61	97%	6
Стандартли текширув ишнинг шакли					Дастурлаштирилган диктант							Лаборатория иши																	
Текширув ишнинг стандарт бали (ТСИБ)					20							17							63										

6-илова

8-синф ўқувчилари ўзлаштирилиши ҳисобга олиш умумий ведомостидан кўчирма

Фанлар	Биология							Алгебра							Физика							
	1ч	2ч	3ч	4ч	йил	имтиҳ	яқун	1ч	2ч	3ч	4ч	йил	имтиҳ	яқун	1ч	2ч	3ч	4ч	йил	имтиҳ	яқун	
Рейтингнинг стандарт балли	125	90	130	65	410			77	50	144	78	349			120	60	96	90	368			
Ўқувчининг исми, шарифи																						
Ўқувчи рейтинг	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	%счрб	
1 Бакиева Гульнора	119	128	110	122	118			108	78	131	163	119			163	119	123	131	130			
2 Вахидов Захриддин	110	105	99	99	102			102	84	113	143	109			144	109	162	118	137			
3 Пак Ирина	95	117	93	103	100			62	93	108	141	100			120	70	89	109	97	6	100	
4 Самсонов Никита	130	105	93	103	105			104	89	98	127	103			135	107	108	89	109			
5 Пулатходжаева Умида	133	92	104	128	114			80	80	91	123	92	ИСРБ ни 15%	100	114	84	108	102	101			
6 Хамраев Руслан	80	100	80	109	88	ИСРБ ни 16%	100	106	89	123	152	117			160	111	111	108	122			

ONA TILINING QUDRATI

Atoqli ukrain shoiri Platon Nikitich Voronko 1913 yilda Ukrainaning Chernetlar (Chernetchina) degan mintaqasida - hozirgi Sumi viloyatining Axtir tumanida tug'ildi. Ajdodlari Zaporozhe savdogarlaridan bo'lib, Ukraina bilan Qrim o'rtasida aravakashlik qilardi. Bobosi ko'chalarda lira chalib, qo'shiq aytar va o'zi ham ko'p qo'shiqlar to'qirdi. Otasi temirchi edi, shunday bo'lsa-da, ko'p o'qir, turli-tuman o'qigan hikoyalari aytib yurardi. Onasi esa, "qish oqshomlarida charx yigirib yoki to'quv dastgohida ishlab o'tirganda ko'pincha ajoyib xalq qo'shiqlaridan kuylab berardi"

Yosh Platon boshlang'ich va o'rta ta'limni Axtir va Xarkovda oldi. Keyin oila maslahati bilan 1933 yilda Moskvada yangi ochilgan Adabiyot Institutida o'qigani ketdi. SSSR atalmish "qizil imperiya" davrida hamma millatlar ichida rus tili tashviqi qattiq yo'lga qo'yilgandi. Rus tilida ijod qiluvchilar katta imtiyozga ega edilar. Buni ko'rgan Platon o'z she'rlarini rus tilida yoza boshladi.

Maksim Rilskiyning dalolat berishicha, "Platonning ruscha she'rlari ravon, silliq

bo'lsa ham, uncha ta'sir kuchiga ega emasdi". Platon Voronkoning o'zi ham "dastlabki she'rlarim rangsiz, kitobiy, uydirma va sun'iy edi" deydi. "Menga rus tilida yozish qiyinlik qilardi", deb e'tirof etadi.

Platon Voronko Adabiyot Institutini bitirishi bilan Finlyandiya kompaniyasiga jalb qilinadi. Keyin, Ikkinchi jahon urushi boshlanib ketgach, Kovpak boshchiligidagi partizan qo'shilmalarida bir otryadga sardorlik qiladi. Shu urush yillarida u ilk bor o'z ona tilida ijod qila boshlaydi va "o'zini topadi". Partizanlar uchun jangovor qo'shiqlar bitarkan, hamma vaqt ohangni mashhur xalq kuylaridan olardi.

Matnlar jangchilar tomonidan o'zini qilinib olinar va qo'shiq qilib aytilardi. Shu tariqa uning she'rlari "xalq qo'shiqlari" bo'lib ketardi. Bir kuni Voronko, mashhur Karpat yurishlari paytida, tasodifan gutschul - karpatlik choldan - o'z

qo'shiq'ini eshitib qoladi va undan: "Otaxon, bu qo'shiqni kim yaratgan?" deb so'raydi. "Kim bo'lardi biz, gutschullar!" deydi u. Shoir sevinganidan ko'ziga yosh oladi.

Sevinmasinmi? Axir, xalq uning she'ri o'z qo'shiq'i deb hisoblayapti! Bunday hollar uning hayotida tez-tez yuz berib turadi. Hatto, bir marta folklorchilar ukrain xalq

qo'shiqlarini to'plab, Platon Voronkoning "Oy na gori selo gorit" she'rini ham xalq qo'shiq'i sifatida muallifini ko'rsatmay nashr etadilar.

Platon Voronko o'z she'rlaridan birida:

Ha, to'g'onlarni yirtdim,
Men toqqa bekinmadim, -
deb yozadi.

Chindan ham urush yillari u sapyor edi. Turli inshootlarni qanday portlatishni yaxshi o'zlashtirgan edi.

Ammo u bu xatarli ishni ulug' bunyodkorlik maqsadida ado etardi. Aslida Voronko hayotsevar, borliq olamning rang-barangligini, shakl va tovlanishlarini shoirona idrok etuvchi nozik ta'bli bir ijodkor bo'lganligini she'rlaridan payqash qiyin emas.


Shunday qilib, urush yillarida Platon Voronko ko'tarinki ruh bilan yozilgan, yorqin

milliy koloritga ega bo'lgan she'rlari bilan ommalashib ketgandi. Jangchilar orasida uning ellikdan ortiq she'ri qo'shiq qilib aytilardi. Keyin bir qator dostonlar yozdi. "Mangulik", "Burch", "Afsonaning tug'ilishi", "Yakkama-yakka" kabilar shular jumlasidandir. Shundan so'ng "Chugaystr xaqida ertaklar" degan dramatik doston ham yaratdi. To'g'ri, Platon Voronkoning "qizil imperiya"ni ulug'lovchi, o'sha davr mafkurasiga xizmat qilgan madhiyaboz ommalashib ketgandi. Ba'zilar o'zbekchaga ham o'g'irilgandi.

Platon Voronkoning bolalar uchun yozgan she'rlari unga katta shuhrat keltirgandi. Mashhur bolalar shoiri va atoqli tarjimon Samuil Marshak uning she'rlarini ruschaga tarjima qilgach, Voronko nomi yurtlararo ommalashib ketgandi. Ba'zilar o'zbekchaga ham o'g'irilgandi.

Platon Voronkoning "Assalom" va "Eng yaxshisi tinchlik" nomli kitoblari davlat mukofotiga sazovor bo'lgandi.

BOLALAR



DUNYO'SU

Platon VORONKO

TUQQAN EL DAN ZO'RI YO'Q

— Turna! Sen ko'p yurgansan,
Yuzlab elni ko'rgansan.
Kezib o'tgan hayoting,
Pishiq oyoq, qanoting.

Turna! Endi javob ber:
Eng yaxshi yer qaysi yer?
Javob qaytardi quyuq:
— Tuqqan eldan zo'ri yo'q!

DUNAYLIK DO'STINGA

Kelaman tungi chog'lar
Qirg'og'ingga, oh, Dunay!
Oh, dalalar, oh, bog'lar,
Yurtim, sendan aylanay!

Men do'stimning qo'liga
Go'zal sovg'a asrayman.
Kelsa, kelgan yo'liga
Navro'zgullar to'shayman.

Mangulikning guli bu,
Do'stlik bilmagay fano.
Bu daryodan oqqan suv
Loyqalanmas - musaffo.

Mehrimiz ham shundaydir,
Yashagay o'lim bilmay.
Kelajak shovullaydir
Xuddi sen kabi, Dunay.

QO'LGA O'RGANGAN QUZG'UN

Qo'lga o'rgangan quzg'un
Ne bersang, yer — bus-butun.
Xizmatga shay har ishda...
Ammo o'lsang urushda,
Unutadi tuzingni,
O'yib yeydi ko'zingni.

YORDAMBOY DEGAN O'G'LO

Har yerda kezar polvon -
Yordamboy degan o'g'lon.

Ko'chat eksa odamlar,
U ham ekar qadamlab.

Chelak-chelak tashib suv,
Qo'sh egatga quydi u.

Bir kun o'rmonda yurib,
Bolari inin ko'rib,

Qamab oldi xaltaga,
Bolchiga qildi hadya.

Qo'shnilar qazsa quduq
U chetda turgani yo'q -

Keltirib zambilg'altak
Tuproq tashishdi andak.

Dadasi, oyisiga,
Aka, kennoyisiga,

Novvoyga, xamirchiga,
Duradgor, temirchiga -

Hammaga birday yordam
Berar Yordamboy har dam.

Yordamboydek bir yigit
O'stirgan yurt baxtli yurt.

YO'LGA CHIQSANG...

Yo'lga chiqsang, yo'l ustini
Guppa-guppa bossa qor,
Yo'lingni burma do'stim,
Orqaga qaytma zinhor!

Joning borki oyoqda -
Istiqboldan o't qidir,
Yo'ldan qaytsang u chog'da,
Ko'p qiynar seni taqdir.

O'ZIM SUV TASHIGANMAN

Men quduqdan olisga
Suv tashidim polizga.

Boqqa ham olib bordim,
O'n pushtani sug'ordim.

Qara - o'zim aylanay! -
Gurkirabdi qulupnay!

Hosili mo'l, bilaman,
Keling, mehmon qilaman!

UYQU PAYTI

Qorong'i bo'ldi ko'cha,
Uyga kir endi, qizcha.
Charchadi oyoqlaring,
Yumilar qaroqlaring.
Seni kutmoqda o'rin,
Qizcham, uxlaysan shirin.

NEGA BITTA OYOQDA TURAR EKAN QARQARA?

Iye, qara, bir qara:
Ketib borar qarqara,
Uzun-uzun oyog'i,
Oyog'ida boshmog'i.

Qadam bosib lap-lap,
Suvga tushdi shap-shap.

"Kapakasiga qara,
Qaragin poshnasiga!" -
Deb maqtandi qarqara
Chag'alay oshnasiga.

Lek boshmog'in oyoqdan
To'lqinlar ilib ketdi.
Ikkinchisi oyoqda
Jiqqa suv bo'lib ketdi.

Bir oyog'in ko'tarib,
Bir oyoqda turar lol,
Shu holda qarqarani
Qurshab turardi oq tol.

QO'SHIQ KERAK

Menga saxiy qo'shiq kerak
Urushda, tinch kunda ham.
Hammaga ham qo'shiq kerak,
- Nega? - deysan.

Ha, oshnam,
Charchamayman og'ir yo'lda
Qo'shiq bilan kezganda,
Ko'nglim bo'lmas o'lda-jo'lda
So'qmoq yo'llar ezganda.
Safarimga berar ziynat
Uchar dovon-daraga,
Balki yetmas, yog'sa ofat,
Qo'shiq yetgan marraga.
Qo'shiqchining ko'ngli tamiz,
Birlashtirar dillarni.

Ko'rishmasmiz bir o'zimiz,
Qo'shiq qo'shar yo'llarni.
Qo'shiq kerak. Juda kerak,
Notanishmi? Ha, mayli.
Yengil tortar ishim andak
Shu bir qo'shiq tufayli.
Qo'shiq kerak jo'r ovoqli,
Eng qudratli qo'shiq, eng.
Qo'shiq kerak alp parvozli,
Qo'shiq bilan dunyo keng.

BIZ YOMG'IR YOG'DIRAMIZ

Kun qizitar, shamol esar,
Osmon esa tiniqdir.
Yalanglik esa,
Ko'm-ko'k,
Chunki yog'moqda yomg'ir.

Mo'jizani qarang - qiziq! -
Duv-duv yomg'ir yog'moqda!
Ko'k musaffo, bir bulut yo'q,
Yomg'ir keldi qayoqdan?

E, bu chin gap, biz yomg'irni
Yog'diramiz o'zimiz.
Motor duv-duv sochar durni,
Qarang quvvar ko'zingiz.

Жиззахлик муаллим ва мураббий Аҳмад ака Имомназаров ярим асрлик педагогик даврида 10 мингдан ортиқ ёшларга таълим ва тарбия берди. 30-йилларда у сабоқ берган шогирдлари орасида бўлажак таниқли адиб ва жамоат арбоби Шароф Рашидов ҳам бор эди...

Шоҳидларнинг гувоҳлик беришларича, Шароф Рашидов умрининг охириги дамларигача йўқлаб турган устозларидан бири шу кунларда 90 ёшини қарши олаётган Аҳмад ака Имомназаровдир.

1911 йилнинг 15 октябрида Жиззах шаҳрининг Окқўрғонлик маҳалласида оддий арава-соз уста Имомназар ота хонадонидан дунёга келган гўдакнинг пешонаси тошдан қаттиқ, бироқ қутилмаганда ярқироқ бўлди. "Тошпешона"лиги шундаки, Аҳмад ака ёш — қирчиллама умрининг салкам етти йили (1940-46 йиллар)ни II жаҳон уруши деб аталган балоқазолар тўфонига бағишлашига тўғри келди. Ёш командир ғалабадан кейин ҳам кичик офицерларни тайёрлаш ўқув полкида бир йил хизмат қилди, кейинчалик етти йиллик ҳарбий хизматдан боши омон қайтдию, лекин қалбига жароҳат чўқди: укаси Соҳибназар жангда асир тушиб, аввалига немис-фашистлари концлагерида, кейинчалик эса совет концлагери — Магаданда 18 йил ноҳақ азоб чеқди. Жанг майдонларида урушнинг бошидан охиригача қон кечиб, орден ва нишонлар билан қайтган Аҳмад

ака "асирнинг акаси" сифатида "шахсий анкетаси"да ўн йиллаб маломат тошини кўтариб юрди. Худди шу маломат билан 1933 йилдан 1953 йил февралигача (уруш ва ҳарбий хизмат даврини мустасно этганда) раҳбарлик қилган Жиззах педагогика билим юрти директорлигидан озод қилинди. 30-йилларнинг ўрталарида худди шу билим юртида Шароф Рашидов таълим олган эди, у марҳум жангчи-шоир Қодиржон Имомов билан бир партада ўтирарди...

Ўша йиллари республикада



Ҳакимов, В.Эгамов, Ҳ.Форсаев, Фаффор Абдураззоқов, Шукур Носиров, Босим Сайимов, Холмўмин Шукуров, Эркин Эгамбердиев, Ислоҳ Субхонқулов, Икром Суяров, Эргаш Фуломов каби фан ва таълим намояндлари Аҳмад акани устоз сифатида ҳар қадамда ардоқловчи авлод рўйхатида қатор жамоат арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, журналистлар у кишини устоз деб биладилар.

Жиззах шаҳридаги 2-педбилим юрти (ҳозирда Ҳамид Олим-

Ehtiom

даргоҳларидан бирига айланди. Бу — мактаб дарғаси Аҳмад Имомназаров ва унинг атрофида қанот бўлган фидойи педагоглар жамоасининг сидқидил меҳнати самараси эди.

Навоий номли мактабда бугун Жиззахликларнинг 2000 га яқин фарзандлари таълим олмоқда, юздан ортиқ устозлар уларга мураббийлик қилишмоқда. Мактабнинг бир-биридан мухташам уч ўқув корпуси, кимё, биология, физика кабинетлари, урта таълим устaxonаси, автотўғарак, ҳарбий таълим кабинети, хазинага айланган кутубхона, қишки ва ёзги спорт заллари, замонавий спорт майдони соғлом авлод тарбиясида муҳим роль ўйнайди. Мактаб боғи — Боғи Эрамни эслатади. Буларнинг ҳаммасида устознинг излари бор.

Мактаб фойёсидаги "Устозларимиз" Ҳурмат тахтасининг тўрида 90 ёшини тетик ва бардам қаршилаётган устоз Аҳмад Имомназаров портрети, ҳар кун унинг қошида шогирдлари таъзим ва миннатдорлик нигоҳи билан ўтадилар.

А.РАШИДОВ,
Низомий номидаги
Тошкент Давлат
педагогика университети
доценти,
Н. БЕКНОЗОВ,
Тошкент Давлат
юридик институти кафедра
мудир, профессор.

МУАЛЛИМЛИК БАХТИ

юқори вазифада ишлаб турган Шароф Рашидовнинг аралашувидан сўнг адолат қисман тикланди. Аҳмад Имомназаров 1953 йилдан бошлаб 30 йил узлуксиз Жиззах шаҳридаги Навоий номли 3-ўрта мактабга директорлик қилди. Бутун умрини икки ўқув даргоҳида ёш авлод тарбиялаш ишига бағишлаган устоз 50 йилдан ортиқроқ педагогик ҳаётида 10 мингдан ортиқ шогирдлар етиштирди. Муаллимлик бахти жуда камдан-кам одамга муяссар бўладиган бахт эканлигини у жуда эрта илган ва юракка туккан эди. Бунга эришди ҳам.

Биз собиқ ўқувчилар ҳам шохидмиз, домланинг тарих дарси сеҳрли эди, бундан ярим аср муқаддам ҳам Аҳмад ака бу фани аллақандай ички бир туйғу

билан ўтар, айниқса, "Ўзбекистон тарихи"ни миллий гуруҳ чўққисига олиб чиқарди. Домланинг шогирдлари орасидан юзлаб тарихчилар етишиб чиққанлиги бежиз эмасди. Собиқ тарихчилардан С.Ҳамроқулов ва И.Кўчқоров Самарқанд ва Сирдарё вилоятининг раҳбарлик лавозимларида кўп йиллар ишлашди. Аҳмад ака Сағдиев, Қамаридин Усмонов, Доноқул Алламурадов, Қудрат Маматқуловлар тарих фани профессорлари бўлиб элга танилдилар. Домланинг собиқ ўқувчиларидан юзга яқини турли фанлар бўйича фан докторлари ва номзодлари даражасини олдилар. Улар орасида Ўқтам Орипов, Ориф Икромов, Раҳматилла Қўнғуров, Шамилбек Болабеков, Акбар Аҳмедов, Тўрабек Сирлибеков, Исҳоқ

жон номли)ни бир замонлар республикадаги ҳар қандай олий ўқув юрти билан баҳслашадиган даражада эди десак муболаға бўлмасди. Мазкур билим юртида дарс берган Аҳмад Имомназаров, Зокир Санақулов, Ҳусом Фуломов, Исмоил Курбонов, Маматқул Ҳазратқулов, Маматқул Ҳасанов, Абдулла Хайруллаев, Аҳмад ака Галимов, Турот Алибеков, Ҳамроқул Тиллаев, Шаҳри Фуломов, Саодат Бобоҷонова, Фанижон Даминов, Аҳмад Соатов каби устозлар билим юртининг шавқатига муносиб ҳисса қўшишга муяссар бўлдилар. Жиззахликлар уларни чуқур ҳурмат билан эъзозлашади. 50-йиллардан бошлаб Жиззах шаҳридаги Навоий номли ўрта мактаб республиканинг таянч намуна ўқув

ПҮЛАТ САИДҚОСИМОВ
70 ЁШДА

Бугунги Ўзбекистон Миллий академик драма театри сахнасида неча-неча буюк актёрлар роль ижро этганлар. Бугун эса бир қатор актёрлар уларнинг ишларини давом эттирмоқда. Ана шундай актёрлардан бири Пўлат Саидқосимовдир.

Пўлат ака сахнага чиққанига анча йиллар бўлди. Шу йиллар давомида у жуда кўплаб образлар яратди. "Қутлуғ қон" спектаклида Мирзақаримбой, "Зебунисо" да Аврангзеб, ўз вақтида жуда машҳур бўлган "Муҳаббат моҳароси" фильмида Маҳкам, ёки яқиндагина экранга чиқиб машҳур бўлиб кетган "Шайтанат" фильмидаги Зелихон каби образлар у кишининг бутун фаолиятини очиб беради.

Бу образларнинг барчаси халқимиз юрагидан жой олган десак хато бўлмайди. Пўлат ака кўрсатган хизматлари учун шу йили "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан ҳам тақдирланди.

Ҳафтанинг бошида Миллий театр биносидан Пўлат Саидқосимовнинг 70 йиллик юбилей кечаси ўтказилди. Ушбу ижодий кечага актёр билан елкама-елка туриб хизмат қилган ҳамкасблар, у кишини устоз деб билган барча шогирдлари йиғилдилар. Шогирдлари сахнада Пўлат ака ижро этган ролларни қайта гавдалантирдилар. Йиғилганларнинг барчаси ўзларининг самимий тилакларини билдириб, санъаткорни 70 ёши билан муборакбод этдилар.

Мадаминбек Бойматов

ИРИНА АЛЛЕГРОВА ИСРОИЛДАН ҚАЙТДИ

Рус эстрада хонандаси, жозибали чехра ва мафтункор овоз соҳибаси Ирина Аллегова яқинда Исроил давлатида бўлиб, у ерда катта концерт дастурлари намойиш этди.

"Мен аслида сентябрнинг иккинчи ярмида Америкага гастрол сафари уюштирмоқчи эдим. Афсуски, у ерда бўлган воқеалар сафаримни қолдиришимга сабаб бўлди. Исроил давлатидан ҳам таклиф туша-

ётган эди. Исроилда мени яхши кутиб олишди. У ернинг кишилари қувноқ ва хушчақчақ эканлар.

Мен бугунги кунда Москвадан ва 2002 йилда бутун Россия шаҳарлари бўйлаб ўтайдиган яккахон катта концерт дастурига тайёргарлик кўряпман. Менимча бу кенг миқёсда бўлиб ўтади".

Умид МУҲИДДИНОВ

Беналли-2001 халқаро кўргазмаси ўтказилганидан хабарингиз бор. Худди шунинг тассаруфида Корея Республикаси рассомларининг тўртинчи анъанавий бадиий кўргазмаси ҳам Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Замонавий санъат марказида бўлиб ўтди. Кўргазма Ўзбекистон Бадиий Академияси, Корея элчихонаси ҳамда Корея маданият марказининг Ўзбекистондаги ассоциацияси ёрдамида ташкиллаштирилиб ўтказилди.

Кўргазма экспозициясида Корея Республикасидаги ўнлаб

рассомларнинг саксонга яқин ранг-тасвир, фотосурат, ҳайкалтарошлик, кулолчиликка оид санъат асарлари, шунингдек миллий ва замонавий либослари ўрин олди. Айниқса, буларнинг ичида ҳайкалтарош Парк

кази санъатшуноси Саида Илҳомова. — Уларнинг кўпчилиги халқаро кўргазмалар, танловларнинг номзод ва соҳибдорларидир". Кўргазма экспозициясида Корея санъатининг анъанавийликдан то замонавий авангардгача бўлган турли жанр ва йўналишдаги асарлари намойиш этилди. Ҳар бир асар Корея рассомларининг ўзига хос йўналишлари ва бир вақтнинг ўзида дунё санъати билан бўлган алоқадорлиги ҳақида ҳикоя қилди.

Шерзод АҲМАТОВ

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ
САНЪАТИ ЮРТИМИЗДА

Мюнг Сук асарлари таҳсинга сазовор бўлди. "Кўргазмада иштирок этган рассомлар нафақат Корея Республикасида, балки кўплаб давлатлар, жумладан Ўзбекистонда ҳам машҳурдир - дейди замонавий санъат мар-

кази санъатшуноси Саида Илҳомова. — Уларнинг кўпчилиги халқаро кўргазмалар, танловларнинг номзод ва соҳибдорларидир". Кўргазма экспозициясида Корея санъатининг анъанавийликдан то замонавий авангардгача бўлган турли жанр ва йўналишдаги асарлари намойиш этилди. Ҳар бир асар Корея рассомларининг ўзига хос йўналишлари ва бир вақтнинг ўзида дунё санъати билан бўлган алоқадорлиги ҳақида ҳикоя қилди.

ЕТТИ АВЛОД
УЧРАШУВИ

Пойтахтимиздаги "Боғи Эрам" оромгоҳида "Маърифат" бош муҳарририяти (радиомухарририяти) суҳандонларининг етти авлоди учрашди. Ҳар бир авлод маълум бир ўн йилда шаклланиб, тараққиёт сари юз тутган. Уларнинг меҳнат фаолиятига ҳозирги "Келажак тонги"дек эшиттиришлар тараққиёт, дебочаси сифатида кирган десам муболаға бўлмайди. Еттинчи авлод учун гарчи олти авлод мисол қилинса-да, етти авлоддан ҳам олдинги авлодлар хотирланди, ҳали ҳаёт бўлганларга умр тиланди. Дастурни ёзувчи Жонрид Абдуллахонов кириш сўзи билан очди.

Дарҳақиқат, бу ташаббус теран томир отиб, ривож олса, мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, ёшлар онгини миллий истиқлол руҳида, ёт мафкура ва ғоялардан муҳофазалашда, бундай учрашувларни ҳар бир соҳада ўтказиш жоиздир.

К.САЪДУЛЛАЕВ,
64-мактаб 11-синф ўқувчиси

Кино ишлаб чиқарувчилар тахминича, террорчилик ҳақидаги фильмлар номаълум муддатгача суратга олинмайди. Америкалик машҳур продюсер Жон Дэвиснинг фикрича террорчилик фантазиядан реал воқеликка айланса, унинг ҳеч қандай қизиғи қолмас эмиш.

Севимли актёримиз, бир қанча фильмлар режиссёри Жеки Чаннинг "Бурундан оққан қон" фильми дастлабки талқини билан ҳеч қачон экранларга чиқмаслиги аниқ бўлиб турибди. Бу фильмда Жеки Чан жаҳон савдо марказида ойна ювувчи родини ижро этиши керак эди.

Шон Коннери иштирокида суратга олинган "Локерби" фильми ҳам ишлан-мутлақо

р и б
л а д и
р и у н д а
р е й с

КИНОГА ҲАМ
АЛОҚАСИ БОР

ган самолёт портлашини тергов қилаётган полиция шефи родини ижро этган.


Таъқиқланган фильмлардан яна бири бири "Шер ўйини" деб номланади. Бу киноасар араб террорчилари изидан қуваётган Нью-Йорк полициясининг собиқ детективи ҳақида ҳикоя қилиши керак эди.

"Қора либосдаги одамлар-2" номли фильмнинг сўнгги қисми ўзгартирилган бўлди. Кино ишлаб чиқарувчи магнатлардан бири бўлган "Колумбия пикчерс" компанияси эса фожиа билан боғлиқ айрим лавҳалар суратга олинганлиги ҳақидаги хабарларни рад этди. Бу фильмда воқеалар ниҳоят Нью-Йорк савдо марказида содир бўлиши керак эди. Роберт Родфернинг "Сўнгги қалъа" фильмининг рекламаси ҳам ўзгаради. Ундаги Америка байроғининг қулаб тушаётгани ўрнига мутлақо бошқа тасвирлар кўрсатилади.

қ а й т а
м а с а,
ч е т г а
ч и қ а
қ ў й и
К о н н е
1 0 3 -
б и л а н
у ч а ё т

БОШҚАЛАР НИШОНГА
ОЛИНМАГАН

Америка ва Буюк Британия давлатлари ҳозирда Толибон ва Усама бин Лоденнинг "Аль-Қоида" ташкилотига уюштирилаётган ҳужумлар ушбу ташкилот билан алоқада бўлган бошқа гуруҳлар ҳамда мамлакатларга нисбатан қўлланилмаслигини маълум қилди. АҚШ Давлат котиби Колин Пауэлл алоқадорларга ҳам зарба берилади, дея матбуотда тарқалган хабарларни рад этди. Шунингдек, Британия ташқи ишлар вазири Жек Стро ҳам худди шу мазмундаги фикрни билдирди.



Ўтган мақоламизда генетикага асос солиниши ва шу соҳада яратилган кашфиётлар ҳамда уларнинг муаллифлари билан таништириб ўтган эдик. Бугун тирик организмларда генетик ахборотларни ташиш вазифасини бажарувчи молекулаларнинг кашф қилиниши ҳақида ҳикоя қиламиз.

1868 йили швейцариялик врач Фридрих Мишер лейкоцит (рангсиз қон ҳужайраси)лар ядросидан номаълум модда ажратиб олди ва уни нуклеин деб атади. Айнан шу йиллари Грегор Мендел ўз илмий натижалари билан дунё илм аҳлини таништириб бошлаган эди. XX асрнинг ўрталаригача бу икки гоя бир-бири билан чамбарчас боғлиқ эканлиги олимларнинг ҳаёлига ҳам келмади. 1889 йилдан эса олмониялик кимёгар Рихард Алтман нуклеинни нуклеин кислотаси деб аташни таклиф қилди.

Ф.Мишер ўз кашфиётларига йўл очиб берган илмий тадқиқотларини таниқли олим Феликс Гоппе — Зейлер раҳбарлик қилган лабораторияда ўтказган. Ёш олим олган натижаларга лаборатория раҳбари негандир ишонқирамаган ва ушбу тажрибаларни қайтадан ўтказишни бошқа илмий ходимларга топширган. Бу эса Ф.Мишер кашфиётлари баён этилишини нақ икки йилга кечиктириб юборди.

1879 йилдан шу лабораторияда Албрехт Коссел ҳам ишлаб бошлади. Бир неча йил давом этган машаққатли меҳнатдан сўнг у нуклеиннинг таркибини аниқлашга муваффақ бўлди. Унинг таркибида азотли моддалар ҳисобланган — аденин ва гуанин, фосфор кислотаси ҳамда углеводлар гуруҳига мансуб бирикмалар борлиги исботланди.

А.Коссел қўлга киритган ютуқлар Нобел кўмитаси томонидан муносиб тақдирланди. 1910 йили унга тиббиёт ва физиология соҳасидаги юксак мукофот насиб этди.

1944 йилга қадар нуклеин кислотасини ўрганиш зерикарли ва самарасиз ҳисобланиб келинди. Освальд Теодор Эйвери, Колин Мак — Леод ва Маклин Мак — Картилар ДНК (дезоксирибонуклеин кислотаси) генетик ахборотларни ташувчи асо-

сий восита деган хулосага келдилар.

Бу янгилик замонавий биологияда энг улкан кашфиётлардан бири бўлди. Умумий хулоса шундан иборат эдики, нуклеин кислотаси вирулентлик (вирулентлик — муаяйн микроорганизмнинг касаллик кўзготувчанлик даражаси) ва умуман наслий белгиларни сақлаб қолувчи ҳамда уни ташувчи вазифасини бажаради.

Нуклеин кислотасининг бунчалик муҳим вазифани адо этиши кўпчилик олимларни қизиқтириб қўйди. 1948 йили англиялик кимёгар Александр Тодд нуклеин кислотасининг хоссаларини ўрганишга киришди. У ўн йил давомида олиб борган илмий изланишлари асосида нуклеин кислотасининг бирламчи (бошланғич) тузилмалари тўғрисида жуда қимматли маълумотларга эга бўлди. А.Тодд

ФАРОЙИЙ МОЛЕКУЛАЛАР

кашфиётлари биология фани ривожига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди. Нуклеин кислотасининг хоссаларини ўрганишга доир илмий ютуқлари учун Александр Тодд 1957 йили Нобел мукофоти соҳиби бўлди.

Шу ерда бироз орқага чекиниб, ДНК таркибини ўрганишга доир тафсилотлар билан танишсак.

1951 йилнинг май ойида Кембриж университети Кавендиш лабораториясининг ёш тадқиқотчиларидан бири Жеймс Уотсон лондонлик олим Морис Уилкинс билан танишиб қолади. М. Уилкинс ДНК кристаллари рентгенограммалари тўғрисида сўзлаб берди. Бу эса ўз навбатида ДНК таркибини ўрганишга астойдил киришган Ж.Уотсонни жуда қизиқтириб қўйди. У кейинчалик ўз тадқиқотларида рентген нурларини қўллаб бошлади. Ж.Уотсон бу

соҳада қўлга киритган илмий натижаларини, аниқроғи, ДНК таркибини ўрганиш борасидаги кашфиётларини 1968 йили чоп этилган "Қўшалок спирал" деб номланган асарига ёритиб берди.

Рентгенограммаларни ўрганиш ва улар ёрдамида ДНК таркибини тушунтириб бериш соҳасида Уотсоннинг касбдоши Фрэнсис Харри Комптон Крикнинг ҳам хизматлари бекиёс.

Хулоса қиладиган бўлсак, тирлик ҳақидаги маълумотларни ўзида мужассам этган ДНКнинг ўша буюк қўшалок спиралини яратган физиклар Фрэнсис Крик билан Морис Уилкинс ва биокимёгар Жеймс Уотсонлар тиббиёт ва физиология соҳасида 1962 йилги Нобел му-

кофотини қўлга киритдилар.

XX асрнинг 40-йилларидаёқ нуклеотидлар кетма-кетлиги оксил молекуласидаги аминокислоталар жойлашуви тизимини аниқлаб бериши биокимёгарлар учун маълум эди. Барча оксиллар ҳар бири ўзига йигирматадан аминокислоталарни бирлаштирган полипептид занжиридан тузилган. ДНКда эса тўртта нуклеотид мавжуд. Шуниси аниқки, йигирма аминокислота нуклеотидларни турлича комбинацияларда ташкил қилиши мумкин. Бу комбинациялар тўғрисида турли фикрлар билдирилди ва бу фикрлар аниқ исботлаб берилмади.

Бу масалага ойдинлик киритган олим ҳиндистонлик биокимёгар Хар Гобинд Корана бўлди. Таниқли олимлар В.Прелог ва А.Тоддлар шогирди ҳисобланмиш Х.Корана ДНК ва РНК молекулаларини синтез қилиш усулларини яратиш соҳасида

ГУМОНДОРЛАР УШЛАНДИ

Италия полицияси келиб чиқиши Яқин Шарқ давлатларидан бўлган уч нафар фуқарони ислом жангарилари ҳисоблаб ва Усама бин Лоденга алоқадор, дея гумон этиб Миланда ҳибсга олди. Жорий йилнинг апрел ойида эса 5 нафар африкалик Европа давлатларида террор ҳаракатларини амалга оширишни режалаштиришда ҳамда "Аль-Қоида" ташкилоти билан алоқадорликда гумон этилиб, ҳибсга олинган эди, дейилади Би-Би-Си тарқатган хабарларда.

Nobel mukofoti sohiblari

кўплаб қизиқарли тажрибалар ўтказди. Сунъий синтез қилинган нуклеин кислоталари ёрдамида 1966 йили одатдаги 64 комбинациянинг барчасига тааллуқли бўлган янгиликлар кашф қилинди. Шу йўл билан генетик кодларнинг очилиши эса наслий ахборотлар қай тарзда ёзилишини тушуниб олишга замин яратди. Эндиликда бу ахборотларнинг қай кўринишда ва қайси йўл билан узатилишини, ДНК тилидан оқсиллар тилига "ўтказиш"ни тушунтириб бериш керак эди.

Бу муаммо билан Роберт Уилям Холли шуғуллана бошлади. У ўз олдида РНК ташувчиларидан бирини ўрганиш вазифасини қўйди. Бунинг учун у махсус фермент (рибонуклеаз)лар ёрдамида РНК молекуласини кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг неуктоид кетма-кетлигини аниқлади. Турли ферментларни қўллаб туриб, Холли янада каттароқ бўлақларни синтез қила бошлади ва 1965 йилга келиб РНК ташувчилари тузилишини аниқлади.

Холли усули дарҳол олимлар томонидан бошқа рибонуклеин кислота ташувчилари тузилишини ўрганишда қўлланила бошланди.

Ниринберг, Корана ва Холлиннинг кенг ва чуқур олиб борилган тадқиқотлари наслий ахборотларнинг ёзилиши ва қўлланилиш усуллари масаласига ойдинлик киритди. Уларнинг бу муваффақиятлари Нобел кўмитаси назаридан четда қолмади, албатта. 1968 йили бу уччала олим физиология ва тиббиёт соҳасидаги мукофот соҳибидек юксак унвонни олиш шарафига мушарраф бўлдилар.

Ўз усулларини мукаммалаштира борган Корана 1970 йили биринчи сунъий генни олишга муваффақ бўлди. Бу воқеа ген муҳандислигининг туғилишида муҳим роль ўйнади. Келинг, яхшиси бу тўғрида кейинроқ батафсил тўхтала қолайлик.

Абдумажит ТўРАЕВ,
физика-математика
фанлари номзоди
Ўзбекистон физика
жамияти ҳайъати аъзоси,
Захро ИЛЁСОВА,
математик

ЎЙИНЛАР
КЕЧИКТИРИЛАДИ

Туркменистон миллий олимпия кўмитаси минтақада сиёсий танглик юзага келгани муносабати билан IV Марказий Осиё ўйинларини ўтказиш муддатини кечиктириш ҳақида қарор қабул қилди. Бу ҳақда кўмита Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон олимпия кўмиталарига маълум қилиб, Марказий Осиё ўйинларини ўтказиш вақти ва жойини навбатдаги белгилашни МОК президентлари сессиясига ҳавола этган.

БОШ МУРАББИЙ
ЎЗГАРДИ

Хитой халқига XXI аср бошиданок муваффақиятли келмоқда. Боиси, 2002 йили Жанубий Корея ва Японияда ўтадиган футбол бўйича навбатдаги жаҳон



чемпионати финал босқичига Хитой терма жамоаси йўллангани нақд қилиб қўйди. Аммо, бунгача бўлган даврда жамоага бош мураббийлик қилган югославиялик 57 ёшли Бора Милутонович истеъфога чиқди. Энди хитойлик футболчиларни финалга маҳаллий мураббий Шень Зянь Гу тайёрлайди.

МЕЗБОН ЯНА
ГОЛИБ

Москвада ўтказилиши аёнана тусига кирган жаҳоннинг энг кучли теннисчилари ўртасидаги "Кремл кубоги"нинг бу йилги турнири ниҳоясига етди. Унда россиялик таниқли ракетка устаси Евгений Кафельников финалда олмониялик Никельснни мағлубиятга учратди ва бешинчи мартаба ҳам "Кремл кубоги"нинг бош совриндори бўлди.

Ушбу мусобақаларда омади юришмаган яна бир россиялик теннисчи Марат Сафин Франциянинг Лион шаҳрида ўтказилаётган АТР турнирида иштирок этмоқда.

Тошкент Давлат политехника институти томонидан 1982 йилда Хотамов Эшпўлат Гаипович номига берилган ИВ-1 № 241698 рақамли олий маълумот тўғрисидаги диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор туман халқ таълими бўлими, таълим ва фан ходимлари касабга уюшма кўмитаси, 201-мактаб жамоаси шу мактаб директори Ўткир Файзиевга умр йўлдоши, 179-мактабнинг собиқ ўқитувчиси
Дилбар ҚОСИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

ЧЕГАРА
МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Россия мудофаа вазири Сергей Иванов Федерация Кенгашида чиқиш қилар экан, расмий Москва Грузия таркибидаги ўзини-ўзи республика дея эълон қилган Абхазия билан чегара худудига рус аскарларини жойлаштиришнинг режалаштирилганини маълум қилди. Абхазиялик расмий вакилнинг билдиришича, Грузия томондан келган 700 га яқин курулли шахслар Кодор дарасига бостириб кирганлар.

БМТ эса шу минтақада вертолёт портлаши туфайли таркибида 4 нафар БМТ кузатувчиси бўлган 9 кишининг ўлимида Грузия ёки Абхазия қўли бор, дея гумон қилмоқда.

Рейтер агентлигининг маълум қилишича, Фаластин раҳбарияти Аль-Аъзам ва Ислон университетларини ҳамда Ғазо секторидаги барча мактабларни вақтинчалик ёпиб қўйди. Бунга Қўшма Штат-

БИЛИМ МАСКАНЛАРИ
ЁПИБ ҚЎЙИЛДИ

ларнинг бугунги ҳарбий сиёсатига қарши Ғазода юз бераётган намоийшлар сабаб бўлди. Тўқнашувлар туфайли 25 нафар Фаластин полициячиси жароҳатланди. Мухторият маъмурияти эса зарар етмаслиги мақсадида хорижий журналистларга ушбу худуддан чиқиб кетишларига буйруқ берди.

ДЕНГИЗЧИЛАР ҚИСМАТИ
АНИҚЛАНАДИ

"Новости" ахборот маҳкамасининг хабар беришича, ўтган йилнинг август ойида Баренц денгизига чўкиб кетган Россиянинг "Курск" атом сувоисти кемаси "Giant-4" баржаси ёрдамида Росляково портига олиб келинди. Об-ҳавонинг ноқулай келиши туфайли 20 минг тонналик кемани денгиз тубидан чиқариб олиш ишлари қарийб уч ойга чўзилди. Эндиликда мутахассислар 118 нафар аъзодан иборат экипажнинг қурбон бўлишига олиб келган фожеа сабабларини ўрганадилар. Бирок, экологик ташкилотлар эса 22 та "Гранит" ракетаси, 18 та торпедо ҳамда 2 та ядровий реакторга эга "Курск" кемаси аҳолига ва атроф-муҳитга салбий таъсир ўтказиши мумкин, дея билдирмоқдалар.

Одамнинг пайдо бўлиши ҳақида кўплаб назариялар мавжуд. Улар ичида энг машҳури Чарлз Дарвиннинг одамнинг маймундан келиб чиққани ҳақидаги таълимоти дир. Аммо кейинги йилларда тадқиқотчилар бунинг ростлигига шубҳа билдиришмоқда.

БИЗ ОКЕАНДАН ЧИҚҚАН МАЙМУНЛАРМИЗМИ?

Дарвинга қадар бу мавзуда ҳеч қандай баҳсу мунозаралар бўлмаган эди. Ва кўпчилик одамни Худо тимсолида ёки унга ўхшаш яратилган, дея тушунишарди. Одам Ато тупроқдан ва ҳаёт нафасидан яратилган. Момо Ҳаво эса унинг қовурғасидан вужудга келди.

Аммо Дарвин ўз замондошлари онгига бизнинг илк аждодларимиз Одам Атодан эмас, маймунлардан тарқалган деган тушунчани сингдира бошлади. Бир қанча ўн йилликлар ўтса ҳамки, Дарвин таълимоти ўз ҳукмронлигини давом эттирарди. Бироқ бизнинг келиб чиқишимизга тааллуқли "Оллоҳдан" ва "маймунлардан" деган тахминлар ўз ноаниқликларига эга эди, уларга ойдинлик киритиш тақозо этиларди.

Муқаддас битикларга кўра, Одам Ато ва Момо Ҳаво ерда ҳаёт пайдо бўлиши билан, тўғрироғи, бир неча минг йиллар олдин туғилишган. Коинот эса фанда олиб борилган тадқиқотларга кўра, бундан 15 миллиард йиллар муқаддам пайдо бўлган. Бинобарин, одамзотнинг илк аждодлари — питекантроплар, неандерталлар, кроманьонлар (қадимги ва ўрта палеолит даврларида яшаган одамлар) бутун Ер сайёраси бўйлаб юз минг йиллар мобайнида умргузаронлик қилишган. Бундай олиб қараганда, ҳаммаси тушунарлидир. Бироқ, бугунги кунда кўлимизда мавжуд далиллар одамзот ибтидоси горилла ва шимпанзелардан бошланганини исботлаш учун етарли эмас. Ва худди шу жиҳат олимларнинг баҳс-мунозарасига туртки берапти.

Чехиялик эр-хотин Малинларнинг ҳисоблашича, сертук маҳлуқларга биз мутлақо ўхшаймиз. Улар тўғри юролма, ўз нафас олишларини бошқаролмас, товушни аниқ ифода қила олмас, тери ости ёғларига эга бўлмас... Шундай экан, оёқлари ҳаддан ташқари узун ва териси қалин жун билан қопланган маймунлар қанақа қилиб бизнинг аждодларимиз бўлсин? Умуман айтганда, биз бутунлай бошқачамиз.

1960 йилда Эмистер Харди, Карл Зауэр ва Элен Морганлар одам шунчаки маймунлардан эмас, балки

уларнинг Ҳинд океани саёз қисми қирғоқларида яшаб ўтган аномал шаклларида пайдо бўлганлиги тўғрисидаги ўз назарияларини илгари сурдилар. Бир неча минг йилликлар мобайнида ярим қуруқлик, ярим сувда яшаб ўтган бу аждодларимиз бошқа маймун қариндошларидан бир нечта хусусиятлари билан ажралиб туришган. Олимлар тахминига кўра, айнан шу тахлит ҳаёт тарзи — нафас олиши бошқара билиш, сувга шўнғиш кўникмаларини ҳосил қилган. Мунтазам сув остида бўлгани учун тананинг пастки қисмидаги жунлар тўкилиб кетган, тери остида ёғларнинг пайдо бўлиши кузатилган. Денгиз сут эмизувчилари яшаш тарзининг баъзи хусусиятлари бу назарияга бир қадар мос тушади.

қидирув" ассоциацияси раҳбари Вадим Чернобров.

Бу фикрга келгунга қадар олим ўзига-ўзи савол берди: бизга массаси одатдагидан кичикроқ бошқа сайёра керакдир, яъни тортиш кучи Ерникига қараганда икки марта кичик бўлган Марсга ўхшаш сайёра. Минг-минг йиллар муқаддам у ерда дарёлар оқар, ҳаво нафас олишга тўла маънода яроқли эди.

Бу назариянинг тағзаминида яна бир далил ётади. Бизнинг кўпчилигимиз уйқуга ётар маҳали ҳаммиша вақтни чўзишга ҳаракат қиламиз. Россия Таботат фанлари академиясига қарашли медицина-биология муаммолари институти мутахассислари ўсимлик ва ҳайвонларнинг атроф-муҳитдан ажратилган шароитдаги биоритмини ўрганиб чиқишди. Ушбу шароитда одамлардан ташқари барча тирик мавжудотда бир кеча-кундузлик ритм тўлиқ сақланди. Бу тажрибада айрим кўнгилчилар ўзларини йўқотиб қўйишди. Улар уйқуга кечроқ ётишарди, шу боис тез орада уларнинг аниқ ритми 25-соатга тушиб қолди; ерга хос бўлмаган ритм. Марсдаги бир кеча-кундузлик фурсат эса 24 соату 38

мигун болалар "хомо сапиенс" (одамзотнинг илмий номланиши)нинг ибтидосини бошлаб берди. Кейинчалик келгиндиларнинг эксперимент олиб бориш учун бизга келиб кетиши кузатилган. Эҳтимол, бу ҳозир ҳам давом этаётгандир...

"Труд" газетасида гуллаб-яшнаган қадимги Хитойнинг Ердан ташқаридаги фаолиятига доир, яъни бундан 46 аср муқаддам зангори сайёрадан тушиб, одамларга хунармандчилик ва санъатни ўргатган "осмоннинг олти қўли" ўғли Хуанди ҳақидаги қарашлар эълон қилинган эди.

Ёки қадимий Вавилон, Миср, Атлантида ёхуд Гипербор цивилизацияси ҳақидаги афсоналарни олинг. Ажиб тарихга эга бўлган бу ерларнинг ўзига хос тафовутлари, шунингдек, умумий бўлган жиҳатлари ҳам бор. Бунинг ҳаммасини Ер шарининг одатдаги айланиш жараёни билан боғлаб тушунириш мушкул. Тадқиқотчилар мўъжизаларни сабаб қилиб кўрсатишар экан, тахмин қилишга мажбур бўлдилар: ҳар қандай иш олий ақл соҳиблари аралашувисиз ҳал бўлмайди.

ОДАМЛАР "ЕТИМ" ҚОЛИШАДИМИ?



ҲАММАСИ МАРСДАН БОШЛАНГАНМИ?

— Бизнинг бошқа сут эмизувчилардан фарқ қилувчи жиҳатларимиз ҳам бор. Травматологларнинг тасдиқлашича, Ердаги барча тирик жонзотлар ичида фақат одамларнинггина қўл-оёқлари тенглашган жойда, яъни бўғинларда синади. Музликда кучук ёки мушуклар тойғониб кетса, уларнинг панжалари синганини ҳеч ким кўрмаган. Биз эса қоқиниб ёки суришиб кетсак, автоҳалокатлар содир бўлганда, албатта, суякларимизни синдириб оламиз. Бу нимани англатади? Одамзот Ернинг оғирлик кучи мавжуд бўлган ҳаётга у қадар кўникмаган, — деб ҳисоблайди "Фазовий

дақиқага чўзилади. Бундай мос тушиш кишини ҳайратга солади ва фаразларга эрк беради.

БИЗ КОИНОТ ФАРЗАНДЛАРИМИ?

Нима учун айнан Марс ҳақида гапиряпмиз? Чунки кейинги пайтларда панспермия ғояси (сайёрага метеоритлар билан биргаликда муртақларнинг олиб келиниши)ни ёқловчилар сони кўп учраётти. 1968 йилда шов-шувларга сабаб бўлган кўплаб китоблар муаллифи Эрих Фон Деникен бу масалага аниқлик киритди: бизга қудратли келгиндилар учиб келишди. Тарбияланмаган икки оёқли ёввойи жуфтликлар тутиб олинди, улар ус-тида генетик тажрибалар ўтказилиб, тўрт томонга қўйиб юборилди. Ту-

Бизнинг давримизда "оталикка" даъво қилувчилар шунчалик кўпки, уларнинг турки-таровати ҳақида бир газета саҳифасида тўлиқ маълумот беришнинг имкони йўқ. Журналист Павел Мухортов шундай хулосага келди: биз ҳаммамиз Трон сайёрасидаги катта ит юлдузлар туркумидан тарқалганмиз. "Трончилар"нинг бизнинг устимизда олиб борган экспериментлари ўзини оқламади. Уларнинг фикрича, ерликлар ҳаддан ташқари сержаҳл, шафқатсиз ва фаҳм-фаросатсиз мавжудот. Охири оқибат бизни қаровсиз аҳволга ташлаб қўйишди.

Уфолог Валерий Садетский эса бутунлай бошқача фикрда. Биз тронликлар эмасмиз, балки тўхтовсиз урушлар олиб борилган ва бизни жазолаш учун шафқатсизларча Ерга

Ilmiy talqinlar

юборган Эрта сайёрасидан тарқалганмиз. Биздаги "қалб нуқсонларини" йўқотиш ва қайта тарбиялаш учун эрталиклар ўша вақтлардан бошлаб ва бир неча минг йилликлардан бери ўз миссионер-гуманистларини юбормоқдалар.

Кимдир таъкидлайдики, Ер — бутун оламни бирданига бўлишиб ололмаган бир нечта цивилизациялар йиғиндисидан иборат. Нальчикдан уфолог Виктор Костиркин тахмин қиладики, биз, яъни одамларнинг авлоди қуриб-битган сайёра Эуллиядан эвакуация қилинган эканмиз. "Алоқадаги" айрим кишилар эса бошқача "манзил" эшитган эмиш: Венера, Юпитер, Сатурн йўлдошлари билан, Сириус, Алтаир, Тарози юлдузлар буржи...

Бизни у ёқдан бу ёққа иргитишлари оқибатида "етим" бўлиб қоляпмиз. Ҳозирги вақтдаги мавжуд талқинлардан бирортасида ҳам бизнинг келиб чиқишимиз тўлиқ исботлаб берилмаган. Унда биз киммиз? Қаердан олиб келинганмиз? Бу саволлар ўзининг аниқ жавобини топганича йўқ. Ва биз янги изланишлар сари йўналиш оляпмиз.

— Коинотдаги географик ҳаётнинг келиб чиқишига қизиқиш ва уни англаш тўғрисидаги турли-туман талқинлар, тахминлар ҳақиқатан ҳам бизнинг ихтиёрида кундан-кунга кўпаймоқда, — деб ҳисоблайди РФА муҳбир-аъзоси, биология фанлари доктори Валерий Алексеев. — Жордано Брунодан бошлаб инсониятнинг кўпгина кўзга кўринган ақлли зотлари яшаш керак бўлган оламни кўпайтириш ҳақида орзу қилган эдилар. Ўзга сайёраликлар ҳақидаги тахминлар пайдо бўлди, улар Ерга келиб қўниб, тонгда ерликларнинг юксак маданиятини, хунармандчилиги ва санъатини ўрганаётган эмиш. Афсуски, тарихий воқелик қондасига кўра, Ернинг пайдо бўлиши ўз нуктаи назарига эга. Ўзга сайёраликларнинг Ердаги цивилизациянинг келиб чиқишига таъсир этиши ҳақида ҳам қарашлар мавжуд. Кўзимизга кўриниб турган онгли ҳаёт фақат Ерда мавжуд. Буни фазодан ҳеч қандай сигналларнинг йўқлиги ҳам исботлайди.

Олам, одам, коинот доимий ҳаракатда. Бу ҳаракатнинг илк палласи қачон ва ким томонидан бошланганлиги, бошқарилиши барчани қизиқтиради. Олий мавжудот эгасининг билишга интилиши эса давом этади. Юқоридаги мақола шундан далолат беради.

Хулосани ўзингиз ясанг.

"Труд" газетасидан эркин таржима.

Муҳтарам устозимиз Муаттархон ОРИФЖОНОВНА!

Биз Сизни моҳир тарбиячи, билимдон, тажрибали мураббий тимсолида эъзозлаймиз ва қутлуғ 50 ёшга тўлганингиз муносабати билан табриклаймиз. Оилангиз, фарзандларингиз, набираларингиз ва бизнинг бахтимизга соғ-омон бўлишингизни ҳамда Аллоҳ умрингизни зиёда қилишини тилаб қоламиз.

Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 87- меҳнат-таълим мактаби жамоаси.

QUTLOV

Ҳурматли Зилола Жалилова!

Сизни таваллуд кунингиз билан қутлаймиз. Зангиота туманидаги 8- мактабда олиб бораётган педагогик фаолиятингизда улкан зафарлар тилаймиз.

Яқинларингиз ва оилангиз бахтига ҳаммиша соғ бўлинг.

Ҳамкасбларингиз ва оила-аъзоларингиз.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир: Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Абдурасул НАРМАНОВ ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Шарифа МАДРАҲИМОВА,
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-2917. Тиражи 14.802.
Г. 1 2 3 4 5 6

Ҳажми 8 босма табоқ, Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00